R 496
2007/1



Guliston

2007/1

ИСТИҚЛОЛ КИТОБЛАРИ

(Президент Ислом Каримовнинг кўп томликларини ўқиб)



Ҳар бир миллат учун Озодлик — офтоб,
Бу офтоб нуридан Эл, Ватан обод,
Дастуриламалдир Истиқлолкитоб, —
Юрак хитоблари бу,
Истиқлол китоблари бу!

Нима бор китобдан аъло раҳнамо,
Тирик битик бўлса, бўлса гар аъло,
Тошга ўйилгандек мазмуну маъно, —
Ҳурлик жавоблари бу,
Истиқлол китоблари бу!

Бир китоб сўзлайди халқ кечмишидан,
Ҳар қайси кечмишнинг ғишту тошидан,
Дўст марҳамати, ғаним муштидан, —
Тарих шитоблари,
Истиқлол китоблари бу!

Бирида битилмиш ўт калом — нутқ,
Қатъият, ирода — бир метин тартиб,
Уларни тинглаган тўртала қутб,
Ҳикмат моҳтоблари бу, —
Истиқлол китоблари бу!

Тинчлик ояти бор ассаломида,
Дунёга тинчлик дер ҳар каломида,
Қонида бўлмаса, бўлмас жонида,
Боқий Сўз боблари бу, —
Истиқлол китоблари бу!

Оқ пахта қорага айланган йиллар,
Фарёдга айланди қанча кўнгиллар,
Бугун ечилмишдир сирли чигиллар,
Ҳур қалб савоблари бу, —
Истиқлол китоблари бу!

Ўзбегим йўлининг чироғи китоб,
Келажак, орзулар маёғи китоб,
Ҳар ойдин Ўзликнинг байроғи китоб, —
Нури офтоблари бу,
Истиқлол китоблари бу!

Ўзбекистон жаҳон — Жаҳон ичинда,
На жаҳон ичинда, ҳар жон ичинда,
На ҳар жон ичинда, ҳар он ичинда,
Президент китоблари бу,
Истиқлол китоблари бу!

Азим СУЮН

Қиш саховати

Ўлкамизда кумуш қиш. Ҳамма ёқ оппоқ қор. Ҳар фаслнинг ўзига яраша гашти бор, дейди халқимиз. Дарҳақиқат шундай. Зеро, қор қалбимизда, дилимизда ойдин орзулар уйғотади. Чор-атрофга қараб туриб, хаёлларга ғарқ бўласан, киши. Паға-паға ёғаётган қорни кўриб, қувонмай бўладими?! Ахир, у маъмурчилик, мўлкўлчилик рамзи-ку! Қор ёғди — дон ёғди, деб бекорга айтилмаган.

Қиш зийнатини дилга жо қилиб, янги йилда янги орзулар билан яшаймиз. Мустақил мамлакатимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир йили ўзига хос мазмунга эга. Жорий йил муҳтарам юртбошимиз ташаббуси билан "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинди. Меҳрмурувватли халқимиз Янги йилни кўтаринки кайфият ва шоду хуррамлик ила кутиб олди. Юртимизда, ўтган йилдагидек, бу йил ҳам барча жабҳаларда катта зафарларга эришилишига шак-шубҳа йўқ.

Оппоқ қор ёғяпти... Яратган Эгамнинг мўъжизаси бу. Момиқ қор остида Она-замин ором оляпти. Қиш саховатидан мамнун бободеҳқон хаёлга толиб, Она-заминни, бўлғуси ҳосилини ўйлайди. Она-замин саховатидан умидвор дилларда эртанги кунимизга бўлган қатъий ишонч барқ уради. Зеро, деҳқон бой бўлса, юртимиздаги ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир киши бой бўлади. Деҳқон саховатидан дунёдаги бор мавжудот, ҳатто қушлару қурт-қумурсқалар ҳам умидворди. Бинобарин, эзгуликда, оқликда саховат мужассам.

Тилагимиз, оппоқ қор севинчлари ҳеч биримизни тарк этмасин.





Guliston

ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий, бегазакли журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:

Бахтиёр ГАНЖАМУРОД
Хуршид ДАВРОН
Ўткир ЖЎРАЕВ
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Абдусаид КЎЧИМОВ
Гулистон МАТЁҚУБОВА
Абдулла ОРИПОВ
Акбар ЙЎЛДОШЕВ
(масъул котиб)
Комилжон ҚИЁМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Раҳмон ҚЎЧҚОР
Азамат ҲАЙДАРОВ

Бўлим муҳаррирлари:

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД
Мирзаали АКБАРОВ

Фотомухбир

Шавкат ҚАҲҲОРОВ

Саҳифалаш ва дизайн

Нодирбек АҲМЕДОВ

Навбатчи муҳаррир

А.РАҲИМҚУЛОВ

Ушбу сонда:



Сурайё ҒАНИЕВА
Замон билан ҳамнафас

Фазлиддин СУЮНОВ
Мангуликка дохил оҳанглар

Очаули
Руҳий ҳолат таҳлили

Ҳамза КИЧКИЛОВ
Четурлобий расадхонаси

Асрор МЎМИН таржимаси
Менинг Доғистоним

Ўқиш ҳам, ёзиш ҳам кўнгил роҳати

Guliston 2007/1

Босишга 13.02.2007 йилда топширилди. Офсет қоғози. Бичими: 60x84 1/8. Ҳажми 6,0. Адади: 2407
Буюртма №19

Таҳририят манзили: Тошкент — 700029, Буюк Турон кўчаси, 41 уй. Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01. Бош муҳаррир ўринбосари: 136-78-90. Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Х.Сулаймонова кўчаси, 33-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 091 — рақам билан рўйхатга олинган

Муқоваларимизда:

***1-бет:** Ўлкамизда қиш; **2-бет:** Истиқлол китоблари; **3-бет:** Рассом Нозимхўжа Абдусаломхўжаев ижодидан лавҳалар;*

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Кишилик жамияти тарихидан маълумки, аср алмашинганда ёки бир тузумдан иккинчисига ўтилганда, халқ орасида қатламларга бўлиниш ҳолати содир бўлади ва битта қатлам иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолади. Бу ҳолат жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари тарихида ҳам кузатилган.

Алалхусус, бозор иқтисодиёти тизими мамлакатдаги ишлаб чиқариш механизмини ўз ўрнига туширади. Негаки, одамзот моддий бойликларга қизиқиш баробарида фаолиятининг ноаён қирраларини бирма-бир очиб бораверади. Бу ҳолат пировардида юксак тараққиётга олиб келади. Режали иқтисодиёт эса аксинча, кучнинг мудроқ ҳолатга ўтишига сабабчи бўлади. Бинобарин, юксалишнинг асосий воситаси айни бозор иқтисоди усулидир. Жаҳондаги кўпгина давлатлар шу усул орқали фаровонликка эришдилар.

Серқуёш Ўзбекистонимиз курраи заминнинг ҳар тарафлама қулай нуқтасига жойлашган. Ер ости ва ер усти бойликлари сарҳисоб қилиб кўрилганида шу далил равшанлашадики, агарда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилганда мамлакат энг бой юртлар қаторига қўшилган бўлур эди. Собиқ Иттифоқ давридаги хом ашё базаси вазифасини ўташдек амал ана ўша имкониятлар йўлини тўсиб қўйгани ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, биринчи навбатда бозор иқтисодиёти тизимига диққат-эътибор қаратилди. Хусусий мулкчиликнинг турли-туман шакллари бунёд этилди. Бу жараён ўз навбатида нисбатан ночорроқ қатламни юзага келтирди ҳам. Негаки, ишбилармонлик, тадбиркорлик хусусиятлари ҳаммада бир хил тарзда зоҳир бўлмайди, албатта. Шуларни назарда тутган ҳолда, Юртбошимиз аҳоли ижтимоий ҳимояси масаласини кун тартибига қўйди.

"Истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олгандан кейин биз ўз олдимизга келажаги буюк давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият қуришдек улуғ мақсадни қўйдик", — дейди Президент Ислом Каримов, — "Эҳтимол, бу ўша пайтда кимларгадир баланд-парвоз ёки афсонавий гап бўлиб туюлган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бугунги кунда ана шу мақсад йўлида эришган ютуқларимизни бутун дунё тан олмоқда".

Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмади, албатта. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш баробарида шаҳару қишлоқларимиз обод



бўлди. Иқтисодий, маънавий жиҳатдан бой-бадавлат қатлам оддийгина воқеликка айланди. Кишилик жамияти тарихидан аёнки, айни қатлам мамлакат буюклигини таъминлайдиган асосий омил бўлиб келган. Зотан, дунёнинг ривожланган юртларида фаровонлик хусусий сектор равнақидан бошлангани маълум.

Бир гуруҳнинг бемисл даражада бойиб кетиши ва иккинчи гуруҳнинг қашшоқлашуви ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини Юртбошимиз ўз маърузаларида бот-бот таъкидлаган. Ана ўша кескин тафовутнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ижтимоий ҳимояси масаласи назардан соқит қилинмайди.

"... 2004 йилни "Меҳр-мурувват", 2005 йилни "Сиҳат-саломатлик", жорий йилимизни эса "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили деб аташдан кўзда тутилган мақсадларни чуқур англаб, инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан аёнки, амалга оширган тадбир ва ишларимизнинг ҳали қанчақанча давоми, шу борада ўз ечимини кутаётган қанчақанча муаммолар бор", — деган эди Юртбошимиз Конституциянинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида.

"Шуларнинг барчасини, энг аввало халқимизнинг кайфият ва эҳтиёжини, орзу ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, рухсатингиз билан, мен кириб келаётган янги — 2007 йилни юртимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман".

Юртбошимиз таъкидлаганидай 2007 йилда биринчи галда кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есирлар, ногиронлар, талабалар, пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қиладиган тадбирлар белгиланади.

Табиийки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган бир маҳалда бадиий ижод соҳасида қалам тебратаётган ёш ижодкорлар турмуши осон кечмайди. Ҳомийлик асосида уларнинг китобларини нашр эттириш, қалам ҳақи миқдорини янада ошириш, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатлардан рағбатлантириб бориш амаллари кун тартибидаги муаммолар сирасига киради. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида"ги Фармонида (2006 йил, 25-июль) шу соҳага бевосита даҳлдор ўринлар ҳам бор.



"2007 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг:

- фан ва техника;
- адабиёт;
- санъат ва меъморчилик йўналишларида жами олтита — учта биринчи даражали ва учта иккинчи даражали Давлат мукофотлари таъсис этилсин. Ҳар қайси биринчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш

ҳақининг 500 бараварига, ҳар қайси иккинчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараварига тенг бўлиши белгилаб қўйилсин" дейилади мазкур Фармонда.

Адабиёт — халқимизнинг бадиий савиясини оширадиган, руҳиятини тозалайдиган муҳим воситалардан бири. Буюк адиб Абдулҳамид Чўлпон таъбири билан айтганда "Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган, ўчган, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдирғон, ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладирғон, чанг ва тупроғлар тўлған кўзларимизни артуб тозалайдирғон булоқ суви бўлғонликдан бизга ғоят керакдир".

Нобел мукофоти совриндори, шоир Иосиф Бродский ҳам бадиий адабиёт, жумладан, шеъриятнинг руҳиятни тозаловчи омил эканлигини таъкидларкан, қуйидаги сатр-ларни ёзади: "Достоевскийнинг "Дунёни гўзаллик қут-қаради" деган сўзини ёки Мэтью Арнольднинг "Бизни поэзия қутқаради" деган фикрини соф руҳий маънодан кўра мана шунақа назардан тушунмоқ керак".

Бродский мулоҳазасига биноан, "Одамнинг эстетик ҳиси шиддат билан ривожланади, чунки у ўзининг кимлиги-ю нимани истаётганини тўлиқ англаб етмай туриб қ ўзига нима ёқяпти-ю нима ғашига тегаётганини ички туйғу билан сезади". Бу гаплар теран асосларга эга. Негаки, адабиёт неча-неча асрлар мобайнида одамларни руҳоний ҳаётга қизиқтириб, ақидапарастлик йўлларидан қайтариб келган. Худди шу маънода, адабиёт аҳлига кўрсатилган ғамхўр-лик айни пайтда миллатга кўрсатилган ғамхўрликдир.

Иқтисодиёт ва Маънавият — тараққиётнинг иккита қаноти. Бугун диққат-эътибор иқтисодиётга қаратилса, аста-секин Маънавият чеккага чиқиб кетади. Бунинг акси кўрилса, халқ айтганидай, "Оч қорнига қўшиқ на ҳожат" бўлиб қолади. Бинобарин, Иқтисодиёт ва Маънавият бир-бирини тўлдириши, шу аснода, ягона кучга айланмоғи лозим.

"Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. "Ижтимоий" деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор" дея таъкидлади мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида.

Бу ҳикматларга йўғрилган сўзларнинг Конституция байрами муносабати билан айтилгани тасодиф эмас, албатта. Зотан, фаровон яшаш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш тамойили ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқидир. Демократик жамиятда эса инсон ҳеч вақт ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди, давлат ҳамда яқинлари, ёру биродарлари ғамхўрлигини ҳамиша сезиб, ҳис этиб туради. Бу-да инсонийликнинг устувор туйғулари сирасига киради.

Ҳазрати Алишер Навоийнинг ёдимизга муҳрланган шундай байти бор:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг
хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон
бўлса обод айлагай.

Қарангки, қийналиб яшаб юрган одамга кўмак қўлини чўзиш мабодо Каъба вайрон бўлса, уни қайтадан тиклаш билан баб-баравар экан. Бинобарин, саховатда, ғамхўрликда саодатмандлик юз очади, меҳр-мурувват кўнгилларни шод айлайди.

XXI асрнинг еттинчи йилига қадам босдик. Фан-техника мислсиз юксалаётган, бинобарин, одамзотнинг кундалик эҳтиёжлари тобора кўпайиб бораётган замонга рўбарў бўлиб турибмиз. Кимнинг қўли истаган жойига етади, бошқа биров эса зўриқиб яшайди. Ана шундай давр-да ижтимоий ҳимоя асқотади. Ижтимоий ҳимоя — ғамхўрлик намунаси. Шу эътиборнинг ўзи кўнгилларга юпанч беради. Астойдил интилиб яшашга рағбатлантиради.

БАҲРЎЗ



ЗАМОНЛАР БИЛАН ҲАМНАФАС

„Маҳбуб ул-қулуб“нинг санъат аҳлига бағишланган фасл ва саҳифалари ҳам жуда мароқли ва ибратлидир. Даставвал шуни айтиш лозимки, Навоий бу асарида санъат аҳлининг тўрт тоифасига ўрин беради. Улардан бир гуруҳи созанда ва хонандалар, иккинчи гуруҳи сўз санъаткорлари бўлган нотиқлардан иборат.

Алишер Навоий санъат аҳлининг қаламга олинган ҳар бир тоифасини муфассал муҳокама қилади. Ва бу санъаткорлар ижодидаги ижобий ва салбий ҳолатларни, улар характеридаги яхши ва ёмон жиҳатларни ёритиб беради. Айтайлик, Навоий „мутриб ва муғаннийлар зикрида“ сўзлар экан, уларнинг „иккаласига дарду ҳол аҳли жон қилурлар фидо“ деб юксак баҳо беради. Чунки Навоий таъкидлашича, „“Кўнгил қуввати хушовоздан, руҳ қути овоздин“. Бугина эмас, шоир юксак ижрочилик санъатини айрим анъанавий маросим ва удумлардан ҳам юксак қўяди ва дейдики, „... қонун ва чағона асбобларининг ноласи қулоққа эшитилганда, шу пайт ойдек соқий қадаҳларга май қуйиб, таъзим билан узатса, парҳездорликка ким эътибор беради-ю, ақл-ҳушнинг ихтиёрини ким ўз қўлида тута олади?!“ Чиндан ҳам моҳирона ижрочилик санъатининг эмоционал таъсир кучи шу қадар юксакки, ана шундай пайтларда тингловчи дилига санъат асаридан бошқа нарса малол келади. Навоий созандалик ва хонандалик санъатининг ана шу асл моҳияти ва хосиятини юксак тақдирлайди. Шунинг учун ҳам ўша замоннинг машҳур санъаткори бўлган Шиблий ва Нурийларнинг номини самимият билан тилга олади.

Созанда ва хонандалар ҳақида гапирар экан, Алишер Навоий булардек киши руҳига таъсир этишга қобил кишилар сирасида ҳам саёқ сийратли, тиламчилари ҳам бор эканлигини айтади. Бундайларнинг аксари „эркак сувратидаги таннозлар ва башанг кийим кийган уйбузар ахлоқсизлардир“, баъзилари „ўлгудек қайсар ва дағал сўзли“, „қўшиқ айтиб, соз чалиб, одамларни таловчи йўлтўсардирлар“ деб қойинади Навоий.

Шу жиҳатдан қараганда, „Маҳбуб ул-қулуб“даги шоирлар ва санъаткорлар ҳақидаги қайдлар асарнинг барча давр, замонлар билан ҳамнафаслик фазилатини намоён этади.

Суйима ҒАНИЕВА

АЛИШЕР НАВОИЙ:

АШУЛАЧИ ВА ЧОЛҒУВЧИЛАР — МУТРИБ ВА МУҒАННИЙЛАР ТЎҒРИСИДА

Шодлик оширувчи хонанда: ғамни тарқатувчи созанда — буларнинг ҳар иккисига ҳиссиётга берилган кишилар ва аҳли дардлар жон фидо қиладилар. Модомики, улар мулойим тарона билан куйлар эканлар, эшитувчининг нақд ҳаёти унга фидо бўлса не ғам? Ахир, кўнгил хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади. Ёқимли овозу маҳорат билан куйлайдиган хонандадан дард аҳлининг ўти яна алангаланади. Агар гўзал бўлса, ҳиссиёт аҳлининг ўртасида қиёмат кўтарилади. Ҳар бир созанданинг куйи дардлироқ ижро этилса, унинг чертиши дардли юракка қаттиқроқ таъсир қилади. Очиқ чеҳрали хонанда ёқимли овоз билан куйласа, дардли одамнинг куйган бағридан тутун чиқаради. Фаҳм-фаросатли созанданинг ёқимли ижроси ҳатто тошкўнгил одамни ҳам мафтун қилади. Хусусан, ўзи чалиб, ўзи куйласа, кўнгил мулкига қўзғолон солади.

Сулук аҳлига яширин бўлган бу манзилда инсон ҳам камолот топади, ҳам зарар орттиради. Солик бу ерда бир дардли оҳ билан мақсадига етибдур ва бир наъраи жонкоҳ билан йиллар бўйи қозонгани ҳам илгидан — қўлидан кетибдур.

Шиблий ва Нурий... самоъда кетдилар ва бу йўл тариқат бирла мақсад манзилига етдилар. Кўп Аллоҳни истагувчилар арғанун — орган садосига мафтун бўлиб, бутхонага кирди ва дину ислом нақдини муғбаччаларга бой бердилар.

Майхонада кимки май ичишдан ибо қилса, най овози бир дилкаш наво билан уни расво қилади-қўяди. Агар киши май завқини унутиб, ичишдан тортилар экан, ғижжак чўзиқ нолалар чекиб, унга ёлборади ва танбур пардалари мафтункорлик билан ҳалок этади, унинг ҳаловат пардасини чок этади, чанг зорланиб, бўғзини чўзади; уд тилининг инграб ёлбориши чангникидан ҳам ортади. Қачонки рубоб бошини ерга қўйиб илтимос қилганда, қўбуз қулоқ тутиб, кайф-сафо оҳангини тузади. Булар билан баравар қонун ва чағона асбобларининг ноласи қулоққа эшитилганда, шу пайт ойдек соқий қадаҳларга май қуйиб, таъзим билан узатса, парҳездорликка ким эътибор беради-ю, ақл-хушнинг ихтиёрини ким ўз қўлида тута олади?! Сўфи ва тақводорларга ҳам бу базмда эътибор қолмайди. Гарчи ишқ аҳлининг расво бўлиши учун бу нарсаларга эҳтиёж



йўқ эса-да, уларнинг дард ўтига най ел бериб, май эса ёғ бўлиб туйилади ва у янада аланга олади.

Араб теваси ҳайдовчининг "ҳудий" деган хониши билан саҳрода юришини тезлатади, булут парчасида эса момақалдироқ садосидан чақмоқ чақади. Инсон мусиқа садосини тинглар экан, хаёли бузилиши табиий ва одамнинг бу жон офатидан қутилиши маҳолдир.

Аммо хонанда ва созандаларнинг саёқлари, гарчи ғамни тарқатувчи, шодлик таратувчи бўлсалар ҳам, лекин ҳақиқатда пасткаш ва тиланчилардир. Бундай ашулачи ва чолғувчилар зорланиб ва ялинчоқлик билан пул топадилар. Агар буюрувчидан инъом-эҳсон бўлса, унинг хизматини бажарадилар. Суҳбатда ноз-неъмат тўкин бўлса, улар ҳар қандай амр-фармонни бажаришга тайёрдирлар. Агар базмда маишат кам бўлса, улар ноз-истиғно ва инжиқлик билан қилиқ кўрсатадилар. Ва агар ноз-неъмат деган нарса тамом йўқ бўлса, уларнинг кўнгли сендан узилди ҳисоб. Улар агарчи йил бўйи сенинг эҳсонингдан баҳраманд бўлган эсалар-да, ёнингдан танимай ўтиб кетаверадилар. Оз олсалар—ерга урадилар; кўп олсалар—қадрламайдилар. Уларнинг кўпчилиги ахлоқсиз; бадфеъл; қолганлари ҳам ўлгудай қайсар ва дағал сўзли бўладилар. Ҳаракатлари ҳаддан ташқари тугуриқсиз сўзларидек, гаплари эса бемаҳал қилган нозларидек, улар вафо деган фазилатдан бенасиб қолганлар; шунинг учун вафодорлар улар олдида қадрсиз ва хароб. Вафосиз муғанний — ҳаёсиз муттаҳам. Агар йиллар бўйи иззат-ҳурмат қилиб, унга едириб-ичирган бўлсанг ҳам бир гал уни қуруқ қўйсанг — сендан кечади, танимайди, қўяди. Булар эркак сувратидаги таннозлар ва башанг кийим кийган уйбузар ахлоқсизлардир. Улар қўшиқ айтиб ва соз чалиб, баъзиларни таловчи, йўлпўсарлардир.

Маснавий:

Ҳеч кимга бу фитна дуч келмагай,
Чунки овозидан нажот қуши
учиб кетади,
Қуш қўнмоқчи бўлса, доим
довул уради,
Бу билан ўша қушни
узоқ муддатга ҳуркитиб
юбориш мумкин.

Насрий баён муаллифи
И. МАХСУМОВ


ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ФАОЛ ЖАМИЯТ

XXI аср тарихга ахборот асри бўлиб кирмоқда. Ахборот технологиялари соҳасидаги улкан ўзгаришлар бу омил аҳамиятини янада кучайтириб юборди. Ушбу соҳани жадал ривожлантириш эса давр талабига айланди. Республикамизда ҳам бу вазифа жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг таркибий қисмига айланган.

Маълумки, XVII-XVIII асрларда олимлар хусусий мулкнинг ҳимояланганлиги, давлат ваколатларининг чекланганлигини фуқаролик жамиятининг шартлари сифатида кўрсатган бўлсалар, бугунги кунда фуқаролик жамиятининг мавжудлиги кўплаб омилларга боғлиқ бўлмоқда. Жумладан, фуқаролик жамияти кучли нодавлат бирлашмаларининг мавжуд бўлиши, қонун устуворлиги, шахс эркинлигини рўёбга чиқариш механизмларининг самарали ишлаши билан бир қаторда, жамоатчилик назоратини, хусусан, ахборот омилини шарт қилиб қўяди.

Сабаби, давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун биринчи навбатда, фуқароларни қарорлар қабул қилиш жараёнларидан ҳамда давлат ҳокимияти органларининг фаолиятидан хабардор қилиш, жамоатчилик билан алоқалар ахборот омилининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Шундай экан, кўтарилаётган масаланинг яна бир муҳим жиҳати инсонларнинг сиёсий маданияти билан боғлиқ. Зеро, фуқаролик жамияти инсонларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юқори бўлишини тақозо этади. Яъни демократик қадриятлар инсонлар тафаккуридан ўрин олганидагина, фуқаролик жамиятининг муҳим принциплари: ижтимоий ҳамкорлик, фикрлар хилма-хиллиги, инсон эркинлиги, қонун устуворлиги кабиларга амал қилиниши мумкин. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда: "Биз тадрижий, яъни эволюцион изчиллик хусусиятларига эга бўлган ислоҳот ва ўзгаришлар тарафдоримиз. Фақат бу янгиланишлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши даркор".



Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти бу, аввало, шахс, гуруҳлар, жамоат уюшмаларининг эркин фаолиятини таъминловчи муҳитдир. Фуқаролик жамиятида инсонларнинг турли қарашларга, манфаат ва эҳтиёжларга эга бўлишлари табиий ҳол бўлиб, унда ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини тўла рўёбга чиқара олиши жамият тараққиётини таъминлайди, миллат равнақига хизмат қилади, давлатнинг қудратини юксалтиради. Шу боис, фуқаролик жамиятида мулоқотларга, ўз-ўзини бошқаришга, ўзаро келишув ва ишонч асосида фаолият юритишга устуворлик берилади.

Фуқаролик жамиятининг шаклланишида фақатгина ҳуқуқий меъёрлар белгиловчи рол ўйнамайди. Бу жараён ахлоқий меъёрлар, миллий қадриятлар, тарихий анъаналар таъсирида кечади ва энг муҳими, инсон тафаккуридаги ўзгаришлар билан белгиланади. Бу жиҳатдан, фуқаролик жамиятининг у ёки бу мамлакатда шаклланиши узоқ давом этади ва ўзига хос равишда кечади, дейишга барча асослар бор.

Ва ниҳоят, фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шартларидан бири бу жараённинг ахборот билан таъминланганидир. Модомики, фуқаролик жамияти инсонларнинг ҳар жиҳатдан фаол бўлишларини тақозо этар экан, бунга эришишда ахборот омили белгиловчи рол ўйнайди. Шунингдек, давлат ва фуқаролар ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйишда, ҳокимият идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳам ахборот таянч ресурс вазифасини ўтайди.

Кучли фуқаролик жамияти инсоннинг фаоллиги, жумладан, давлат қарорларини қабул қилишда, ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг изчил иштирокини тақозо қилади. Ана шундай ҳолатда янгиланишлар жараёнига инсонларнинг яратувчанлик салоҳиятини сафарбар этиш мумкин бўлади.

Асалхон ҲАСАНОВА,
Тошкент молия институти талабаси.



Бахши қўлига тор олди: оҳанглар қуш каби парвозда, оҳанглар қанотларини ёйиб учади, худди юрак атрофида турфа капалаклардек, қаноти чўғланиб бораётган капалакларда гир айланиб учади ва бу лаҳзалик капалаклар қоронғиликка ўз вужудичалик ёруғлик олиб киришади.

Бахши қўлига тор олди: оҳ, менинг боболарим, момоларим, сиз ўтган йўллар нақадар узун-а — нигоҳ шуъласи етмайди охирини кўришга, қаро туман янглиғ узун, агар ҳар одими оҳангга йўғрилаверса, узаяверади бу йўллар, қоялари билан бирга, чанг-тўзони билан бирга кўзга иссиқ босилаверади.

Ана, қалъалар ёниб битмоқда, ана, деворларнинг ярми оҳанг устига қулаб тушди, нафрат тўла кўкракларни ғанимнинг совуқ найзалари тешиб ўтди ва қатра-қатра қонлар харсангтош эмас, сўз устига сачради, энди бу қирмиз томчилар ва кўз ёшлар абадиятникидир, култепаларни шамол учириб кетди, култепалар ўз сояларини оҳангга бериб кетдилар.

Бахши қўлига тор олди: алвастилар қаҳ-қаҳ отиб, жазавага тушиб гир айланишади, алвастиларни йиғиб оқ булоқ ёнида ёқиб юборинг, барибир, бир туки ҳам кулга айланмайди, иккинчи афсонага қадам ташлаб, янги алвастиларни дунёга келтираверади улар...

Бахши сизни шундай дунёга етаклаб кетмоқчи, унда сиз яшаётган кунлар туссиз бўлиб қолади, у оддий сўзнинг майсага, кабутарга, юлдузга айланишини кўрсатмоқчи, қўлидаги тор, тордаги симлар шундай кучга эгаки, кўксингизда бу тилсим чертиб юборолмайдиган бироргта ҳам тор йўқ. Сиз куй олдида кичрайишга мажбурсиз.

...Фольклор оҳангларини ўз овози билан давом эттириш, унга сайқал бериш, ўзига йўналишдош ихлосмандларни бу хайрли ишга жалб этиш учун ўша куй, сўз ҳаётига беқиёс содиқлик, санъатга фидойилик, энг муҳими, туғма талант ҳаводек зарурки, Ўзбекистон халқ бахшиси Қаландар Норматов буларнинг барчасини фаолиятида мужассамлаштира олган.


Қаландар бахши Хоразм достонларини ижро қилаётган пайтида ўша воқеалар қатнашчилари сафига қўшилиб кетади. Гўрўғлини шундай яқиндан кўриб туради, у чеккан дард, армонларни ҳам, ҳатто май кайфини ҳам қалбининг туб-тубида ҳис қилади. Бахши шеванинг ўйноқи қирраларини, нутқ нафислигини ўша мақсад йўлига буриб юборади.

"Гўрўғли ва Бозиргон", "Хирмондали", "Авазнинг озод қилиниши", "Ошиқ Маҳмуд", "Гулойим ва Эрҳасан"... мана, унинг ижросида янги талқинига эга бўлган халқ достонлари, нақшлари жавоҳирдек қайта ярақлаган маънавий ёдгорликлар.

Қаландар бахши Норматов ана шундай нодир достонларни мунтазам излайди, деярли йўқолиб бораётган жавоҳирларни топади-да, қайтадан ишлов беради, "шуълалантиради".

Шундай топилмалардан бири "Тулумхўжа" достонидир. Бу халқ достонида жуда қадим замонлардаги ғаройиб воқеалар бадиий талқин қилинган. Уруш-низолар оқибатида халқ осойишталиги ҳимоячилари — мард ўғлонлар етишиб чиқишига интиқлик ила кўз тикиш ҳолатлари ғояси достонда бўртиб туради. Зотан, "Тулумхўжа" кечмишининг қуйидаги тасвиридир.

...Қадим Хоразмда урушлар авж олган пайтда бир удум сақланиб қолади: агар кимнингки ўғли бўлмаса, у қалъа дарвозасидан ташқарига чиқариб юборилади, қувғинга маҳкум этилади. Шундай шафқатсиз удумнинг қора тиғи халқ-



парвар вазир Тулумхўжа кўксига ҳам "санчилади". Уни бу қонундан вазирлик либоси ҳимоя қилолмайди. У ҳам пешонасига ўғил битмагани туфайли ватанини марк этишга мажбур бўлади. Хотини ва канизаги ҳамроҳлигида чўл-биёбонлар сари йўл олади.

Худди ўша пайтда яна бир ғалати воқеа рўй беради: Қоратоғ — парилар маконига ёшини яшаб қўйган чол тасодифан бориб қолади. Шунда унинг биллурдай ҳовузда чўмилаётган ниҳоятда гўзал парига кўзи тушади. Бечора чол ҳайратдан ақлу ҳушидан айрилади. Ўзига келгач, парига дил изҳорини айтади. Пари ошиққа уч шарт қўяди: чўмилаётганимда қорнимга, соч тараётганимда бошимга, либоссиз пайтимда тиззамдан пастига қарамайсиз, дейди. Чол учала шартга ҳам рози бўлади — улар қовушадилар.

Кунлар ортидан кунлар ўтади. Парининг кўз ёришига саноқли кунлар қолганида чол шартни бузишга жазм этади. Тоғ харсанглари орасига яшириниб, нигоҳларини ҳовузга тикади: шунда у парининг тиниқбадан эканлигини кўриб қолади — қорнидаги ўғилчасининг ҳар бир ҳаракати аниқ билиниб турарди.

Пари соч тараётганида қарайди — у бошини қўлига олиб соч тарар экан. Тиззасидан пастига қараса... парининг оёқлари ўрнида эчкининг оёқларини кўради.

Шарт бузилганини пайқаган пари нола-фиғон қилиб осмони фалакка кўтарилади. Кабутарга айланиб, бир баҳайбат чинор шохига қўнади. Бу дарахт тепасида бургут уя қуриб, бола очиб ётган бўлади. Кабутар шу уяга бориб туғади ва ўғилчасини бургут полапонлари орасига қўйиб, самога сингиб кетади.

Ўша онларда, иттифоқо, Тулумхўжанинг канизаги чинор ёнига келиб қолади. У шох-шабба тераётганида гўдак йиғисини эшитиб, ўғилчани бургут уясидан тортиб олади ва вазир қошига келиб, қўлига тутқазади. "Мен сир сақлаб юрган эдим. Бугун кўзим ёриди. Бу — пешонангизга битган ўғил", — дейди у. Шу тахлит вазир ўз юртига қайтади.

Бу достоннинг қўшиқлари, оҳанглари Қаландар бахши ижросида янада сайқал топган. Энг муҳими, достон баҳонасида санъат ихлосмандлари қадим даврларга хаёлан саёҳат қиладилар, тенгсиз ғаройиб воқеаларга ошно тутинадилар.

Тарих — босиб ўтилган йўл. Ҳар битта асрнинг ўзига яраша бетакрор қиёфаси мавжуд бўлади, одамларининг характери айричалик касб этади. Ўша мозий воқелиги ёзма ва оғзаки манбаларда асралиши бор гап. Лекин ёзма манбалар қирғинбарот урушлар вақтида йўқолади, гоҳида атайин ёқиб юборилади. Воқеликнинг айрим тафсилотлари эса оғиздан-оғизга ўтаверади. Негаки, дунёнинг инсонсиз қолган вақти йўқ. Инсон мавжуд экан, хотират яшайверади. Бинобарин, биз олис ўтмишдан сўзлагувчи халқ достонларини алоҳида эътибор ила ардоқламоғимиз жоиз.

Дейлик, "Ваянгон шаҳриннан галсин Авазим", — шаклида айтилган бир мисра кўп сирларни очади. Олимлар, Ваянгон қанақа шаҳар экан, дея қизиқиб қолишади. Маълум бўлишича, Ваянгон X-XIII асрларда гуллаб-яшнаган, Чингиз босқини чоғида вайронага айланган Арда Хушматон шаҳрининг номи экан. Айни замонда Ваянгонқалъа зиёратгоҳи Хоразм вилояти, Шовот туманининг Моноқ қишлоғида сақланиб турибди.

Санъатнинг мўъжиза мақомида экани шундан аён. Санъат нафақат одамларга завқу шавқ улашади, балки мозий ва келажакни ўзаро боғлайди ҳам.

...Бахши қўлига тор олди: оҳанглар қуш каби парвозда, оҳанглар қанотларини ёйиб учади, худди юрак атрофида турфа капалаклардек, қаноти чўғланиб бораётган капалаклардек гир айланиб учади ва бу лаҳзалик капалаклар қоронғилика ўз вужудичалик ёруғлик олиб киришади...

Фазлиддин СУЮНОВ,
талаба.

ГЕНЕРАЛ НАРАНИНГ сабоқлари

Генерал-майор Акира Нара ёши элликлардан ошган, ўрта бўй киши. Японча гапиришини ҳисобга олмаганда, ўзбекдан фарқи йўқ. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш миллий мудофаа бошқармаси Академиясини тамомлаган.

Кези келди, келинг, икки оғиз ана шу Миллий Мудофаа Академияси тўғрисида гапириб берай. Академия 1952 йилда ташкил этилган, шу чоққача 48 битирув бўлган. Мудофаа кучлари учун йигирма мингдан зиёд мутахассис тайёрлаб берган. Академияда қизлар ҳам таълим олишади. Чет эллик фуқаролар ҳам ўқишади. Ҳар йили беш юздан зиёд курсант биринчи курсда ўқишни бошлашади. Академия нафақат Японияда, балки дунёда энг нуфузли ҳарбий билим юртларидан бири ҳисобланади. Нуфузини шундан ҳам билиш мумкинки, ҳар йили битирувда Япония Бош вазири шахсан ўзи иштирок этади. Бу ерда Мудофаа кучларининг барча турлари учун ҳарбий мутахассислар тайёрланади. Ҳозир фаолият кўрсатаётган биноси Токиода жойлашган. 2000 йилдан улар хизматида. Яп-янги, замонавий. Ётоқхона ва ўқув корпуслари бир-биридан унча узоқ эмас. Ётоқхонадаги битта хонада 4 курсант туришади. Дам олиши, дарс тайёрлаши учун барча шароит муҳайё. Спорт заллари жуда ажойиб экан. Кўриб кўзинг қувнайди. Беихтиёр ўзингизнинг ҳам спорт билан шуғулланингиз келиб кетади. Спортнинг хоҳлаган тури билан шуғулланишингиз мумкин.

70 минг китоб жамғармасига эга бўлган кутубхонаси ҳар томонлама қулай ва кўркам. Компьютерлаштирилган. Эшикдан киришингиз билан қўлингизда китоб бўлса рўйхатдан ўтказишингиз шарт. Бўлмаса, тартибни бузаётганлигингиз тўғрисида сигнализация кутубхона ходимларига хабар беради. Умумий ўқув зали ва алоҳида ўқув хоналари мавжуд. Нафақат Японияда чиқаётган газета-журналлар, ҳатто чет элларда чиқадиган газета-журналлар ҳам бор.

Китоблар жойлашган жавонга яқинлашсангиз, ўз-ўзидан чироқ ёнади.

Мен таърифлашга киришган генерал-майор Акира Нара ана шу Академияда ўқиган. Хиросимадаги қуруқликдаги қўшинлар бригадасининг қўмондони.

— Сизми, Ўзбекистондан келган меҳмон? — дея сўради мен билан қўл бериб кўришар экан генерал. — Бизнинг тилда гапирмаганингизни ҳисобга олмаганда ўзимизнинг японлардан ҳеч фарқингиз йўқ экан. Қуйиб қўйган японнинг ўзисиз. Ўзбекистонда нима қилиб юрибсиз?

— Жаноб генерал, мен сиздан сўрамоқчи эдим, худди ўзбекнинг ўзисиз. Японияда нима қилиб юрибсиз? — дея мен ҳам ўз навбатида сўз қотдим. Генерал жилмайди:

— Хўш, ишни нимадан бошлаймиз? — дея савол берди генерал.

— Агар иложи бўлса, ҳарбийларнинг яшаш шароити билан танишмоқчи эдим.

— Нега иложи бўлмас экан? — дея генерал ёрдамчиларига кўрсатма берди. Мени аҳоли яшайдиган янги кварталга бошлаб боришди. Бир уйнинг учинчи қаватига чиқдик. Яп-янги хонадон, яқинда офицерга берилибди. Хоналари япон ва оврупо услубида қурилган. Ҳарбий киши квартира олишда имтиёзларга эга экан.

Шундан сўнг дала-ўқув майдонига бордик. Бу ерда махсус отряд машқ ўтказишаётган экан. Аҳоли истиқомат қилаётган жойга террорчилар ҳужум қилишганда уларга қарши олиб бориладиган жанг машқи. Дастлаб жангчилар автомат билан муомала қилиш усулини машқ қилишди. Машғулот ўтказаётган офицернинг ҳар бир буйруғини жангчилар бекаму-кўст бажаришмоқда. Уларнинг машқларини кузатар эканман, хаёлимда қуйидаги воқеа жонланди:

"1974 йилнинг мартида, иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан сўнг қарийб ўттиз йил ўтгач, Филиппинда 1944 йилдан буён жанг

олиб бораётган Япония армиясининг бир бўлинмаси таслим бўлган. Махсус гуруҳнинг командири подпоручик Онода тирик қолган, холос.

Қизиқ-а. Келинг, ҳаммасини бир бошидан ҳикоя қилиб берай. Ана шундан сўнг ўзингиз бир хулоса чиқарасиз.

Ўшанда урушнинг охири кўриниб қолган чоғлар. 1944 йилнинг охирлари эди. Император армиясининг махсус топшириқлар қўшинлари бўлинмаси командири майор Танигути подпоручик Онодани ҳузурига чақириб, шундай буйруқ беради:

— Лубанг ороли тоғларида яшириниб, жанг олиб борасиз. Душман ҳақида маълумотлар йиғасиз. Биз ҳали Лубангга қайтамиз. Сизнинг вазифангиз бизнинг қайтишимизни таъминлаш. Буйруқ тушунарлими?

— Худди шундай.

— Шуни яхши билингки, бу буйруқни мен сизга бердим. Буни менсиз ҳеч кимнинг бекор қилишга ҳаққи йўқ.

Ушбу буйруқни подпоручик Онода билан бирга унтер офицер Симада, биринчи классли аскарлар Акацу ва Коцука бажаришга киришади.

Жанг бошланади. Бу жанг оз эмас, кўп эмас, ўттиз йилга чўзилади.

Биринчи бўлиб жангдан Акацу чиқади. У асирга тушади. Бу воқеа 1951 йилнинг баҳорида содир бўлган эди. 1954 йилга келиб Филиппин армияси тоғ ўқчилари бўлинмаси билан бўлган отишмада унтер офицер Симада ҳалок бўлади. 1972 йилда Коцука ҳам ҳалок бўлади.

Сезиб турибман, сизни Оноданинг тақдири қизиқтиряпти.

Японияликлар Онода ва унинг дўстлари тақдири билан 1946 йилдан қизиқа бошлашади. Ўшанда улар жанг олиб боришаётган ҳудудда овоз кучайтиргич орқали уруш тугатилганини, Япония таслим бўлганлигини маълум қилишади. Бироқ бу ҳаракатлар ҳеч қандай натижа бермайди.

1954 йилнинг май-июнь ойларида Лубангда Онода ва Коцукани қидирув ишлари бошланади. Бу ишга уларнинг қариндош-уруғлари ҳам жалб этилади. Бундай ёндошув ҳам бирор самара бермайди.

1959 йилнинг май-декабрь ойларида қидирув ишлари яна давом эттирилади. Энди бу ишга подпоручикнинг акаси жалб этилади. Онода акасининг овозини эшитади, ўзини танийди. Лекин буйруқни бажаришни давом эттиради.

1972-1973 йилларда ўтказилган қидирув ишларида Оноданинг отаси иштирок этади. Онода ҳатто отасининг ҳам сўзига қулоқ солмайди. Жанг қилишни давом эттираверади.

Агар Онода бир сайёҳ юртдошини асир олмаганида бу жанг яна қанча давом этиши номаълум эди. Онода сайёҳ юртдошига бундан бир неча йиллар илгари командири берган буйруқни токи унинг ўзи бекор қилмагунча давом эттиражагини билдиради.

Сайёҳ унинг бу гапларини дарҳол тегишли одамларга етказади. Ана шундан сўнг Онодани яна қидирув ишлари амалга оширилади. Энди уларнинг сафида Оноданинг командири, истеъфодаги майор Танигути ҳам бор эди. Истеъфодаги майор Онода билан дуч келганида, бундан ўттиз йил илгари унга ўзи берган буйруқни бекор қилади. Фақат ана шундан сўнггина Онода жанг қилишни тўхтатади".

Бундай олиб қараганда, унчалик катта аҳмияти йўқдек воқеа. Бироқ чуқурроқ ёндошсангиз, бу ерда ҳарбийнинг ўз командири буйруғини бажаришга содиқлигини, садоқатини кўрасиз. Аслида, армиянинг кучи ҳар бир ҳарбийнинг қанчалик ўз командирига, Ватанига содиқлиги, садоқати билан белгиланади. Таъсирчан ва ибратли воқеа.

Биз бугун япон ҳарбийсининг қандай эканлиги тўғрисида хулоса чиқармоқчи бўлсак, улар ўз Ватанига, халқига содиқ эканлигини дастлаб ҳис этишимиз керак. Бу содиқлик кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Унинг илдизи узоқ мозийга бориб тақалади.

Генерал-майор Акира Нара мени ўз бригадасидаги қурол-аслаҳалар: автомат, пистолет, пулемёт, гранатомёт ва бошқа жанговар техника ҳамда қуроллар билан таништирди. Барчаси япанги, Япониянинг ўзида ишлаб чиқариилган.

— Қурол-аслаҳаларинг зўр, замонавий бўлиши мумкин, — деди генерал. — Лекин ҳар қандай жангда ғалабани шахсий таркиб таъминлайди. Шахсий таркибнинг ватанпарварлиги, садоқатисиз ғалаба қозониб бўлмайди.

Генерал ўз шахсий таркибининг ижтимоий-сиёсий, маънавий тайёргарлигига жуда катта эътибор қаратаётган экан. Ватан ҳимоячиси ҳар томонлама баркамол инсон бўлиши керак.

— Энди катта урушлар бўлиши гумон, — дейди генерал.

— Жаҳонда бўлаётган воқеалар кичик-кичик тўқнашувлардан дарак бериб турибди.

Бундай шароитда махсус отряднинг тайёргарлигига жиддий эътибор қаратишимиз керакка ўхшайди. Тоғ шароитида, тунда ҳаракат қилиш ҳадисини олишимиз зарур. Тоғда ҳаракат қилганимизда юк ташишда қийинчиликлар мавжуд.

— Ана шунда ҳайвонлар: от, эшак кучидан фойдаланмаяпсизларми?

— Қизиқ савол бердингиз. Ўйлаб кўриш керак экан. Ҳамма нарсани фақат техника кучи билан ҳал этиб бўлмайди. Ижодий ёндошиш ҳам керак, — шундай дея генерал-майор Акира Нара нимадир ўйлаб қолди. Менимча, янги жанговар ғоя туғилди-ёв?!

Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

РУҲИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ

Қадимий халқлар асотирларида ҳам, ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам, мумтоз ёзма адабиётимизда ҳам жон қушга нисбат берилади. Шу боис, масалан, тилимизда "жон қуши" сўз бирикмаси кўп қўлланилади. Алишер Навоий Фаридиддин Атторга қиёслаган қақнусми ва ё "Лисон ут-тайр" достонида тилга олган қушлардек беозоргина, лекин бургут билан лочиндек ваҳший бўлмаган жон қуши ўта сезгир, зийрак, ҳамма нарсани биладиган қушдир. Жон тарк этган тана, жонсиз гавда тилимизда "майит" деб аталади ва у ҳеч нимани сезмайди ҳам, тушунмайди ҳам, билмайди ҳам.

Ҳиндларнинг машҳур актёри Шоҳруҳ Хон бош ролни ижро этган "Раамжаан" бадиий филми ўзбек тилига "Худо билади" деб таржима қилинган. Ҳинд, яъни қадимий санскрит тилидаги "раам", яҳудий, яъни қадимий ибрит тилидаги "абраҳам" ва араб тилидаги "раҳим" – ҳам шаклдош, ҳам маънодош, ҳам ўзакдош сўзлар бўлиб, Аллоҳ таоло ва унинг энг бирламчи сифати – раҳмдилликни англатади. Қадимий ҳинд тилидаги "жаан" эса "билади", тўғрироғи, "билгич" маъносидаги сўздир.

Ҳа, Худо билгич, лекин бандасининг билгичлиги ҳамиша ҳаминқадар, яъни чеклангандир. Аллоҳ таоло бу оламдаги жамики жонзотларга билишнинг қуйи босқичи — ҳиссий билиш, яъни бешта сезги аъзолари орқали кўриш, эшитиш, ҳид ва таъм билиш, тери сезгиси воситасидаги билишни беминнат ато этган. Шу боис тирик жон, жон эгаси учун сезмай қолиш улкан фожиа, ҳалокат демакдир. Фаришталар, жинлар, девлар, париларга эса билишнинг нисбатан юқорироқ босқичи — ақлий билиш ато этилган. Билишнинг бу шаклида танадаги бешта ташқи сезгилар орқали билиш оддий жонзотларда бўлганидек ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Кўпинча жон танадан ташқарида ҳам бемалол яшайверади. Масалан, ўзбек халқ эртакларидаги айрим девларнинг жон қуши нафас олиб нафас чиқариш билан боғлиқ ҳолда унинг оғзига кириб-чиқиб туради, ғорга яшириб қўйилган бўлади ва ҳоказо. Девнинг танасини қиймалаб ташласангиз ҳам ўлдиролмайсиз, чунки у худди замонавий роботларга ўхшаб, оғриқ, иссиқ-совуқ каби-ларни мутлақо сезмайди...

Одам боласининг Аллоҳ таоло наздида энг олий мавжудот, мукаррам ва мушарраф зотлиги аввало шундаки, у жамики жонзотларга хос ҳиссий ва жамики фаришталар, девлар, жинлар, париларга хос ақлий билиш шаклларини ўзида олий даражада бирлаштирган юксак онг, тафаккур соҳиби бўлиб, ҳам тирик жон сифатида ЖОНга, ҳам онгли мавжудот, тафаккур соҳиби сифатида РУҲга эгадир. Шунинг учун ҳам одам боласи "Ҳазрати Инсон" дея улуғланади. У Олий Руҳ — Аллоҳ таолонинг тажаллийси бўлмиш ўз инсоний руҳини кўнгли (қалби, дили, юраги)да жон қушидек асраб-авайлаб, парваришлаб, ўстириб-ундириб, қанот бахш этиб, юксак парвозларга шайлаб яшайди. Имтиҳон дунёсидаги паймонаси тўлганидан кейин бу руҳ Яратганнинг даргоҳига — Олий Руҳга қайтади. Шундай қилиб, тирик жонзотлар орасида фақатгина инсон ҳам тана сезгилари орқали ҳиссий билиш, ҳам фикр-мушоҳада орқали ақлий билиш, ҳам шу икки босқичга асосланган ҳолда ўз руҳини камол топтира бориб, қалб кўзи орқали кўриш-билиш, русча сўз ва атамалар билан айтганда, "чутье", "ясновидение", "интуиция", ўз тилимизда кенг қўлланувчи сўзлар билан айтадиган бўлсак, тийранлик, зеҳн, фаросат, нуктадонлик, савқи табиий орқали билиш қобилиятига эгадир. Билишнинг бу уч босқичидан биринчиси барча оддий одамларга, иккинчиси олим-алломаларга, учинчиси эса авлиёлар ва буюк мутафаккирларга, том маънодаги комил инсонларга хос хусусиятлардир. Дунёқараши тор, билимсиз, ақли калта, ўз ҳиссиётларига асир одам бошқа жонзотлардан кам фарқ қилганидек, оддийгина инсоний ҳис-туйғулардан маҳрум, ўта ақлли, совуққон, мақолда айтилганидек, олим бўлгану одам бўлмаган "тошюрак" кимсалар ё фаришта, ё девга, ё жинга, ё парига ўхшайдилар. Ҳам ҳис-туйғуларини, ҳам ақл-идрокини тарбиялаб, камол топтирган олижаноб қалб ва учқур тафаккур соҳиби, ҳам туйғулари бой, ҳам билими чуқур ва дунёқараши кенг, ҳам кўнгил кўзи очиқ, бошқача айтганда, ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам руҳан соғлом, ҳар жиҳатдан баркамол шахс, тўлақонли, киройи, рисоладаги одам комил инсон сифатида улуғланади. Комил инсонлик одам боласининг бу имтиҳон дунёсида интилган, интилиши лозим бўлган энг нурафшон манзил, олий мақсаддир. Бу манзил-мақсад йўлидаги бирламчи машғулотимиз эса, кўнгилни оқ, дилни соф, қалбни беғубор, юракни тоза тутиб, руҳни муттасил балойи нафснинг кирдикорларидан поклай боришдир. Инсоний тирикликнинг асл маъноси ва пировард мақсади мана шудир. Ҳазрат Алишер Навоий битган шоҳбайт билан айтганда: "Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ, Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ".

Руҳоният ва руҳшунослик, бо-

шқача айтганда, дин-диёнат ва илм-фан баайни қўш қанотдирки, уларнинг жуфтлиги ва баҳамжиҳат ҳаракатисиз руҳ қуши комил инсонликка эришиш йўлидаги юксак парвозларга ноқобилдир.

Ривоят қилишларича, жон қуши одам боласининг тупроқдан бино бўлган танасига қараб: "Бундай зимистон ғорга кирмайман", — дея тихирлик қилибди. Ана ўшанда Аллоҳ таоло бир соҳир куй — қари навони ҳам яратибдики, унинг сеҳрига мафтун-маҳлиё бўлган жон қуши тан ғорига ўйнаб-ўйноқлаб кириб кетганини ўзи ҳам билмай қолибди. Санъатлар ичида айниқса мусиқа жисми-жонимизга ўзгача ҳузур-ҳаловат бахш этиши шундан. Нима бўлганда ҳам, руҳ қуши тана ғорида ўзини қандай ҳис қилиб, ундан қачон, қай тарзда халос бўлишига қараб одам боласига баҳо бериб, унинг феъл-атворини ўзимизча таърифлаймиз: яхши, ёмон, расво, зиқна, пасткаш, палид... Одам боласининг руҳи, феъл-атвори, руҳий ҳолати — бутун сийрати унинг суврати, жисми, ташқи қиёфасида кўзгудагидек аён кўриниб туради.


Чарлз Дарвиннинг "Инсонлар ва ҳайвонларда ҳиссиётларнинг ифодаланиши" деб номланган антиқа бир асари бор. Аввалига машҳур "Турларнинг келиб чиқиши ва табиий танланиш" асарига бир боб сифатида ёзиб бошланган, кейинчалик алоҳида китоб қилинган бу асарда аллома гўё донишманд ўзбек халқи яратган бир мақол — "Ранг кўр, ҳол сўр"нинг нақадар пурҳикмат гап эканини илмий жиҳатдан асослаб бергандек бўлади. Мазкур асарда айтилишича, масалан, жаҳоннинг кўпгина тилларида "синева", яъни, "рангпар","заҳил" сўзлари "кўкимтир-"дан ташқари "бахил" деган маънони ҳам англатар экан. Чунки бахил кимсанинг руҳидаги иллат жисмига ўз таъсирини ўтказиб, уни кўкимтир, рангпар ва заҳил тусга киритиб қўяр экан!.. "Пакана — фитна, новча — лақма", дейди халқимиз. Бу мақол замирида ҳам буюк табиатшуноснинг яна бир тадқиқотига татигулик ҳикмат бордир. Пакана одатда ўзининг жисмоний ожиз-нотавонлиги, пачоқ-қина, "кичкина одам"лигини билинтирмаслик учун минг хил фитна-фужур, макр-ҳийла ўйлаб топишга устаси фаранг бўлади. Искандар Зулқарнайндан то Ленин, Сталин ва Гитлерга қадар башарият тарихидаги жамики ёвуз ва фитнакор кимсалар мана шундай пакананагина, жиккаккина, "майда одамча"лардир. Новча эса, одатда, шунинг учун ҳам лақмаки, унда ўзининг новча, норғул ва бақувват гавдасига ишонч ҳисси кучли бўлади, шу туйғуга асосланган ҳолда бошқаларга ҳам ишонч кўзи билан қарайди. Унинг Худо берган алпдек қад-қоматига ғайирлик назаридаги ғаламис кимсалар эса бу ишончни суистеъмол қилиб, ҳар боб билан лақиллатаверадилар. Шу боисдан ҳам кўпинча новча, бўйдор, алпқомат кишилар фитнакор кимсаларнинг макр-ҳийла тузоғига тушиб, кўксидан эмас, елкасидан пичоқ еб ўладилар. Неча минг йиллик тарихимизда Алп Эр Тўнга, яъни Афросиёбдан то Номоз ботирга қадар кўпдан-кўп баҳодирларимиз новча-алпқомат эдилар. Алишер Навоийнинг падари бузруквори Ғиёсиддин кичкина ҳам жуссаси кичкина эмас, балки икки машҳур Ғиёсиддин баҳодирнинг ёши, кичкинаси эди! "Алпомиш" достонидаги Ҳакимбек, Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳод эса табиийки, муболағага мойил бадиий асар қаҳрамонлари сифатида ҳаётий қаҳрамонларга нисбатан яна-да новчароқ, бўйдорроқ, алпқоматроқдир.

Бизнинг Туркистонимизда шундай қадим туркий мақоллардан бири ҳозирга қадар сақланиб қолган: "Туси келишгандан тунгилма". Уни ҳозирги ўзбек адабий тилига сўзма-сўз ўгирсак, "Чиройлидан безор бўлма" демакдир. Одатда чиройли, хушбичим, юзида фаришташи бор, жисмонан соғлом одамнинг руҳий олами ҳам гўзал, оққўнгил, софдил, юраги тоза бўлади. "Соғ танда соғлом ақл" мақолидаги "ақл" сўзи замирида кўнгил, дил, қалб, руҳ ҳам назарда тутилади, албатта. Ва аксинча, жисмоний бирон-бир нуқсони бор, майиб-мажруҳ одамнинг руҳи ҳам мажруҳ, кўнгли синиқ, шикастадил бўлади. Кўзи кўр одамнинг кўзи очиқларга ғайирлик ва бахиллик билан муносабатда бўлиши, "Нега мен кўролмаяпман, у кўраяпти?", — дея ич-ичдан надомат чекиши ғоят табиий руҳий ҳолатдир. Хуллас, жисмоний соғломлик, ташқи гўзаллик руҳий баркамоллик ва ички гўзаллик билан узвий боғлиқ ҳодисалар бўлиб, улар инсоннинг ҳар томонлама етук бўлиш йўлидаги сидқидил саъй-ҳаракатлари, жумладан, жисмоний тарбияси, жисмидаги ҳар бир аъзони жонкуярлик, ғамхўрлик билан парваришлашининг қонуний ҳосиласидир. Ривоят қилишларича, қиёмат кунида одам боласининг жисмидаги ҳар бир аъзо ўз соҳибининг феъл-атвори хусусида "мени пок тутди", "мени ножўя ишларга йўлламади", дея гувоҳлик берар экан. Ҳаттоки бу фоний дунёда ҳам, дейлик, кўзлари олазарак, қарашлари бежо, бадбашара, қулоқлари қанқайган, бурни танқайган, қўли эгри, оёғи қийшиқ... кимсаларнинг бутун турқ-таровати ва ҳар бир аъзойи бадани унинг сийрати, руҳияти хусусида бизга гувоҳлик бериб тургандек бўлади... Халқимизнинг энг ёмон қарғишларидан бири "Бетингдан бузилгур" экани бежиз эмасдир. Чунки ҳаром-ҳаришга бўғзигача ботган фоҳиша ва ё хотинбоз даставвал бетидан бузилиб бошлайди, ана шундан кейингина

бирон тери-таносил касалига гирифтор бўлади... Хуллас, ҳар жиҳатдан соғлом ва гўзал инсоннинг руҳи тушкун, ғамгин, мискин бўлиши ё аксинча, ўлим тўшагида озиб-тўзиб обдон хунуклашган қариянинг руҳи кўтаринки, кайфияти чоғ, хушнуд-бахтиёр бўлиши фавқулоддда ясама, нотабиий, зўрма-зўраки ҳолатдир.

Руҳий ҳолатдан ташқи қиёфа ва ҳатти-ҳаракатга нисбатан ҳам яққолроқ далолат берувчи нарса, албатта, айтилаётган гап-сўз ва унинг айтилиш оҳангидир. Масалан, қўл қовуштириб, қуллуқ қилиб, мўмингина бўлиб турган одамнинг "фақир қулингиз" қабилидаги лутф-карамини юзаки тушуниб, андишанинг отини қўрқоқ қўйиб, нописандлик билан қулдорнинг қулга муомаласини қилиш... калтабинлик ҳам, ноинсофлик ҳам мана шудир. Аслида: "Мени худодек кўряпти-я, ҳурматни қаранг, камтарликни кўринг!", — қабилида ўйлашга, ўзгаларни ҳам лутф-карам назари билан қарашга ундовчи тагдор ва пурмаъно "бир сўз" бу! Аксинча, гердайиб туриб: "Биласанми, мен кимман?", — қабилидаги дағдаға-таҳдидли саволни кўндаланг қўйган одам, саломга яраша алик деганларидек: "Сен ҳам ўзимиз қатори бир бандаи ожизсан-да! Ҳар қалай, Афлотун эмаслигинг аниқ!", — сингари нордонгина жавоб олиши табиий. Ижтимоий ҳодиса сифатидаги инсоннинг камоли-ю заволи аввало мана шундай гап-сўз, муомала-муносабатнинг қонуний ҳосиласидир.

Нафақат муайян ташқи қиёфа, жисмоний ҳолат, ранг-рўй, аввало СЎЗнинг буюк таъсир қудратини чуқур ҳис қилган Аҳмад Яссавий ва Бобораҳим Машрабдек улуғ сўз санъаткорлари бўлмиш авлиёи киромлар, гарчи ўзлари



ўзларини "Қул Хожа Аҳмад" ва "Девона Машраб" дея камтарлик, ҳокисорлик, фақиру ҳақирлик билан тилга олсалар-да, улар айтган ҳар бир сўзнинг қадрини яхши билган нуктадонлар, аксинча, бу зоти шарифларни "Ҳазрати Султон" ва "Шоҳ Машраб" дея улуғлаганлар.

Одам боласининг суврати ва сўзида ифодаланувчи сийрати — руҳий ҳолатини руҳонийлик ва олимликдек қўш нигоҳи бор ёзувчининг кўзи билан қараб, атрофлича таҳлил қилганингиз сайин бир-биридан ажойиб-ғаройиб манзараларни кўраверасиз. Айниқса, сўзда руҳий ҳолатнинг қай тарзда акс этишига зеҳн қўйиб қарасангиз, сўз устаси — сўз санъаткори билан оддийгина эзма-вайсақи ва ёзғувчи-назмбоз ўртасидаги осмон билан ерча фарқни аён кўришингиз мумкин. Бу борада донишманд ўзбек халқининг ҳар бир сўзи, ибораси, мақоли, латифаси, афсона-ривояти..., айтиш мумкинки, тиллога тенг. Масалан, "Эски ҳаммом — эски тос" иборасини олиб, шу учтагина сўзнинг мағзини чақиб қаранг! Яққол манзара ҳам, аниқ руҳий ҳолат ҳам, тагдор ифода ҳам, қўйинг-чи, олам-олам маъно шу бир ибора — учтагина сўз замирига санъаткорона сингдирилган. Эски ҳаммом — бу дунёнинг, эски тос — ҳар бир инсонга тегишли нарса, бисот, насибанинг тимсолидир. Бугина эмас. Биргина "тос" сўзида қўшалоқ маъно ифодаланган. Гап шундаки, тилимизда тоғора ҳам, думғаза ҳам "тос" деб аталади. Ибордаги "тос" сўзини хоҳласангиз — тоғора, хоҳласангиз — думғаза, бошқа сўзлар билан айтганда, орқа, кет, чатаноқ деб тушунаверасиз. Торгина ҳаммом мисолида кенг дунёни образли идрок қилиш, шу бир образда бутун руҳий ҳолатни жонли ва лўнда акс эттириш... улкан сўз санъаткоригагина муяссар бўладиган улкан маҳорат, албатта. Айни маҳоратни чуқур ҳис қилган одам сўз санъатининг яна бир мумтоз намунаси бўлмиш "Сиқ-қанга ҳам биттангга, сиғмаганга ҳам биттангга" мақоли замиридаги теран маънони тўғри тушуна олади. Тарих дарслигида қачонлардир бир оёғида базўр тик турган деҳқоннинг суврати бўларди, кўрганмисиз? "Қутлуғ қон" романидаги Йўлчига ўхшаб еридан ажраган деҳқоннинг ҳам ижтимоий, ҳам жисмоний, ҳам руҳий ҳолатини аён кўрсатувчи суврат у! Худ-

ди шундай, икки оёғи бир этикка тиқилиб, дўппи тор келиб, ўта танг аҳволда қолган ва бу мушкулотни ҳам кулиб енга олган донишмандликда беназир халқнинг нишонга бехато урилган ўқдек ўткир ҳикматли гапи-да бу! Мақолга асос бўлган ривоят, табиийки, яна-да пурҳикматроқ. Эмишки, бир пошшоликда шундай янги солиқ тури жорий қилинибди: мамлакатнинг жамики фуқароси бир чеккадан битта-битта тоғорага ўтқазилиб, орқаси тоғорага сиғса ҳам, сиғмаса ҳам бир тангадан солиқ ундириладиган бўлибди!.. "Мақсад киши бошига бир тангадан солиқ ундириш экан, тоғорага ўтқазиб овора бўлишнинг нима кераги бор?", — дея ажабланарсиз балки? Асло-асло ажабланманг! Ахир, мазкур ривоятнинг юксак бадиият намунаси сифатидаги қизиғи, мазаматраси, қаймоғи ҳам мана шунда-да! Ахир, асосий мақсад солиқ ундириш эмас, кўнгли тусаган номаъқулчиликдан қайтмайдиган ўтакетган пасткаш кимсанинг солиқ баҳонасида одам боласини "ҳазрати инсон" шарафига номуносиб бир тарзда аҳмоқ, овора-сарсон, калака килиш, руҳини чўктириб, инсоний шаън-шавкати ва ғурури ифтихорини поймол қилиб, ўзи билан баробарлаштириб, қора кўнглидаги энг пастарин хуморини ёзиш...

Биз бадиий насрнинг энг мўъжаз шакллари, қатрада қуёш акс этгандек ўзида олам-жаҳон маъноларни бирлаштирган бадиият нуқралари — ибора, мақол ва ривоятда муайян руҳий, шунингдек, жисмоний ва ижтимоий ҳолатнинг нечоғли теран ифодаланганини бирровгина кўздан кечирдик, холос. Кўриниб турибдики, халқнинг қудратига тараф йўқ! Жаҳоннинг энг улуғ сўз санъаткорлари ўз маҳоратларини жамлаганларида ҳам халқнинг биргина кироййи ибораси, мақоли, латифаси ё ривоятини яратолмайди. Шу маънода буюк Чўлпоннинг "Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир" сатри халқнинг гўзал шоирона таърифигина эмас, халқ сўзи — халқона сўзнинг қудратидан яққол далолат ҳамдир.

Халқнинг ҳар бир сўзини теран ҳис қилган қаламкашнинг, дейлик, мусаввир, ҳайкалтарош, бастакор ва бошқа жамики ижодкор зиёлилар, ҳаттоки ўқитувчи-мураббий ва олим-алломадек сўз билан иш кўрувчи малакали мутахассислардан афзал жиҳати аввало шундаки, у сўздан ҳам ҳиссий билиш, ҳам ақлий билиш, ҳам шу икки билиш шаклини ўзида юксак даражада уйғунлаштирган руҳий ҳолат, руҳий кечинма, кўнгил кўзи, савқи табиий, таҳайюлни билишнинг муҳим воситаси ва ўзининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга иш қуроли сифатида фойдалана олади. Айни шу имкониятининг шарофати билан сўз санъаткори, айниқса, шоир бошқа зиёлиларга нисбатан халққа руҳан яқинроқ туради, унинг кўнглига, кўнглидаги энг пинҳоний нуқталарга йўл топа олади. Маълумки, шоир ўзининг энг ботиний кечинмаларини шеърда рўй-рост ифода ва изҳор қилар экан, истаса-истамаса, ўзининг муайян руҳий ҳолатини сўзда таҳлил, тафтиш ва тадқиқ қилади. "Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил" деганларидек, шоирнинг сўз воситасида ўз кўнглига, кўнглидаги энг ботиний туйғуларига нечоғли теран назар ташлай олиш қобилияти унинг қанчалик халқ шоири — халқона шоирлигидан яққол далолат бериб тургандек бўлади. Янги давр ўзбек адабиётида Абдулҳамид Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Миртемир, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шеъриятлари бундай халқона сўз воситасида кўнгил уммонига чўмиш ва муайян руҳий ҳолатни таҳлил қилишнинг тобора теранлашув йўлини мухтасар кўрсатгандек бўлади. Энди шеъриятда одам ва олам, халқ ва башарият, ўтмиш ва замон... хусусидаги интиҳосиз кечинмаларни шеъриятимиз сарчашмасида турувчи Аҳмад Яссавий ҳазратлари тилга олган "уч юз олтмиш томир, тўрт юз қирқ тўрт сўнгак"дан, ҳозирги атама билан айтганда "қалб призмаси"дан ўтказиб ифодалаш, муайян руҳий ҳолатнинг асл шеърий таҳлилини Абдулла Ориповдан, бу шоирнинг "Ўйларим", "Баҳор", "Авлодларга мактуб", "Муҳаббат" сингари энг мумтоз шеърларидан ошириш... энди ҳеч кимга ҳеч қачон муяссар бўлмайдигандек.... Лекин руҳий ҳолат таҳлили бобида бадиий насрнинг, айниқса, замонавий ўзбек насрининг тўплаган тажрибалари шеъриятимизга нисбатан камроқ, имкониятлари эса, аксинча, кўпроқдир. Бунга амин бўлиш учун ҳикоя, лавҳа, очерк, бадиа, қисса, достон каби нисбатан ихчамроқ насрий жанрларни қўя туриб, ўзбек романчилигининг саксон йиллик тарихига айни нуқтаи назардан кўз ташлаш бу ўринда кифоя қилади деб ўйлаймиз.

"Қиссаи Рабғузий", "Маҳбуб ул-қулуб", "Бобурнома" каби мумтоз бадиий насримизнинг умрбоқий обидалари юксак маҳорат билан айтилган бадиий сўз намуналари сифатида беқиёс аҳамиятга эга, албатта. Лекин ўзбек бадиий насрида сўз воситасида гўёки жонли одам қиёфасини бадиий гавдалантириш, насрда тўлақонли адабий қаҳрамон сиймосини яратиш Абдулла Қодирий ижоди, хусусан, "Ўткан кунлар" романидан бошланди. Яна шуниси ҳам борки, ўзбек романчилигининг асосчиси ўзининг "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романларида у ёки бу адабий қаҳрамоннинг инсоний қисмати, бошидан кечирганлари, саъй-ҳаракатлари, ташқи қиёфаларини ипга тизилган маржондек изчил ва аниқ-тиниқ тасвирлаб кўрсатиш, айрим ҳолларда эса таърифлаш йўлидан боради. Гарчи жаҳон

романчилигининг ютуқларидан яхшигина хабардор бўлса-да, анъанавий достонлар руҳида тарбияланган ўзбек китобхони идрокини назарда тутган ҳолда қаҳрамоннинг муайян руҳий ҳолати, ўй-кечинмалари, руҳий оламини мутлақо таҳлил этмайди. Моҳир рассом ва ё режиссёрдек ички дунёни ташқи қиёфада ва ҳатти-ҳаракатларда беришни маъқул кўради. Ҳолбуки, дейлик, "Отелло" фожиасидаги Отелло образининг беқиёс таъсир қудрати бу ролни қойилмақом ижро этаётган Аброр Ҳидоятовнинг ташқи қиёфаси ва ҳатти-ҳаракатларида, ҳаттоки гапираётган гапларида эмас, буюк актёр ҳар бир сўзга жойлаган ёниқ қалб кечинмалари, эҳтиросларқуюни, қалб қўри, юрак ёлқини, пафос, қўйингчи, руҳий ҳолатнинг қойилмақом актёрона таҳлилидадир. Жумладан, "ув-в-в" ва "им-м-м" сингари уввос ва имолардадир. Демоқчиманки, масалан, Абдулла Қодирийнинг ўрнида Федор Достоевский ё Одил Ёқубов бўлганида, дейлик, севимли хотини Кумушни севмас хотини Зайнаб заҳарлаб ўлдирганидан кейинги Отабекнинг руҳий ҳолатини — айни шу руҳий ҳолатни бутун бошли бир романда атрофлича таҳлил этиши эҳтимол эди. Лекин Абдулла Қодирий, яна такрорлаймиз, жаҳон романчилигининг бу борадаги ютуқларидан хабардор бўлгани ҳолда, ўзбек китобхонининг идрокини назарда тутиб, қаҳрамоннинг муайян руҳий ҳолатига чуқур кириб боришдан ўзини тияди, руҳиятни таҳлил этмайди, балки уни ташқи қиёфада ва хатти-ҳаракатларда кўрсатади.

Агар ўзбек романчилигига Абдулла Қодирий асос солган бўлса, ўзбек романида руҳий ҳолат таҳлилига асос солган ёзувчи, шак-шубҳасиз, Абдулҳамид Чўлпондир. "Кеча ва кундуз" романида атиги биргина ўринда руҳий ҳолат таҳлили намунасини кўрамиз. Бу Биби Марям (Мария Степановна Астрова)ни исловатхонадан олиб чиқиб, жисмонан тозаланиш ва руҳан покланиш йўлини қидириб турган Мирёқубнинг ўз-ўзини суд қилиши билан боғлиқ изтироблари қаламга олинган саҳифалардир. Асардаги бошқа бирон қаҳрамон бирон жойда ўз-ўзига ақалли бирровгина назар ташлаб, қалбига қулоқ солмайди. Дейлик, Стендаль қаҳрамонлари сингари ички нутққа, изтиробли ўйларга берилмайди. Ақалли бирон марта "Нима қиляпман ўзи?" дея ўйлаб кўрмайди. Фақат пичоқ бориб суякка қадалганида — бор-йўқ буд-шудлари, кўзларининг оққораси, ёлғиз зурёдлари Зеби Сибирга сургун қилинганида мунисмуштипар ота-она беихтиёр портлайди: Қурвонбиби ақлдан озади, Раззоқ сўфи пири муршиди Ҳаст Эшоннинг қотилига айланади. Раззоқ сўфининг Эшонга қарата айтган гаплари "Кеча ва кундуз" романидаги насрий сўзнинг бадиий жиҳатдан энг юксак чўққиси, чунки у оддийгина гап эмас, дил сўзлари, юракдан айтилган гап, нафақат Эшон, балки жами тингловчилар ва ўқувчилар олдига кўндаланг қўйилган жиддий саволлар, жон аччиғида айтилган аччиқ ва ҳақ СЎЗ!.. Асар сўнгида ақлдан озган Қурвонбиби тилидан Зеби таърифида келтирилган шеърий сатрлар эса нафақат мунисмуштипар онанинг дил рози, балки бутун асарнинг авж пардаси, қаҳрамон руҳий ҳолатини шеърий таҳлил қилишнинг гўзал намунаси ҳамдир.

Абдулҳамид Чўлпондан кейин ўзбек романида руҳий ҳолат таҳлили бобида олға қўйилган янги бир қадамни аввало Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб" романида кўрамиз. Асарнинг бош қаҳрамони Раҳимжон Саидий ўзбек адабиётида воқеалар тасвири асосида эмас, ўй-кечинмалар ифодаси, руҳий ҳолат таҳлили асосида бадиий гавдалантирилган илк адабий қаҳрамон сифатида биз учун алоҳида қадрлидир. Шу маънода "Сароб" ўзбек адабиётидаги дастлабки психологик романдир. Саидий муттасил ўз-ўзини тафтиш қилади, ўзлигини ва ўзининг борар манзилини англаб етишга баҳоли қудрат уриниб яшайди. Ўзи интилган манзил, ёзувчининг сўнгги ҳикояларидан бирининг номидан фойдаланиб айтганда "Нурли чўққилар" эмас, ниҳояти "Сароб" бўлиб чиққанига узилкесил амин ва дил-дилдан иқрор бўлгач эса яшашга нисбатан ўлимни афзал кўради. Бутун бошли роман, айниқса, асарнинг сўнгги саҳифалари қаҳрамоннинг айни шу ўлимини ҳам бадиият, ҳам мантиқ, ҳам ички феъл-атвор ва худбин шахс руҳияти нуқтаи назаридан атрофлича асослашга моҳирона йўналтирилади. Айниқса, қаҳрамоннинг ўз-ўзига даъвати, ўзини-ўзи ўлдиришга чақириши ва бу ишининг тўғрилигини ўзича асослаши қоғозга туширилган ўринлар "Кеча ва кундуз" романидан кейин руҳий ҳолат таҳлилининг яна бир гўзал намунасини беради.

"Сароб"дан кейин ўзбек романчилиги тарихида дунёга келган бир неча юзлаб асарларда, айниқса, "Қутлуғ қон", "Уфқ", "Машъал", "Умид", "Юлдузли тунлар", "Одам бўлиш қийин", "Гирдоб" асарларида руҳий ҳолат таҳлили бобида муайян тажрибалар тўпланди. Лекин Одил Ёқубов яратган олти роман, айниқса, адиб ижодининг ўзига хос гултожлари бўлмиш "Улуғбек хазинаси" ва "Диёнат" романлари бу борада фавқулодда ибратли жиҳатларга эга, айтиш мумкинки, ўзбек романчилиги тарихидаги беназир асарлардир.

Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романида адабиётимиздаги Мирзо Улуғбек мавзуида ва умуман, ўзбек романчилигида амалга оширилган ўзига хос инқилоб аввало шунда кўзга ташланадики, мазкур асарда илк бора

муайян қаҳрамоннинг бошидан кечирганларини хронологик тартибда бир чеккадан ҳикоя қилиб бериш, яъни воқеанависликдан бутқул воз кечилиб, бутун диққат-эътибор қаҳрамоннинг бошидан эмас, кўнглидан кечаётган оқим — руҳий ҳолатлар таҳлилига қаратилди. Бунинг учун Мовароуннаҳр тахтида қирқ йил ҳукмронлик қилган Мирзо Улуғбек ҳаётининг сўнгги таҳликали кунлари олиниб, бу кунларга эслаш-эслатиш, лирик чекиниш, ўй-мушоҳада ва бошқа руҳий таҳлил воситалари орқали ойлар, йиллар, ҳаттоки асрлар, айтиш мумкинки, баайни "Зижи Кўрагоний"дек зичлаб сиғдирилди. Мазкур асар учун муҳими Ота — Улуғбекнинг тож-тахтдан мосуво этилиши ва Фарзанд — Абдуллатифнинг тахтни эгаллаши, ўғилнинг ўз отасини ўлдириши — падаркушлик, инсоният тарихидаги, дейлик, "Шоҳ Эдип" ва "Қирол Лир" фожиаларида қаламга олинганидек умумбашарий ҳамоқатнинг ўзи эмас, бу кўргиликнинг ҳар бир қаҳрамон, ҳар бир кўнгилда уйғотган акс-садоси, руҳиятларда рўй берган ўзига хос тўфонлардадир. Қизиғи шундаки, Улуғбек, Абдуллатиф, Али Қушчи, Мавлоно Муҳиддин, Ҳожа Салоҳиддин заргар, Қаландар Қарноқий сингари ҳар бир қаҳрамоннинг ўзигагина тегишли қалб ҳақиқати, жумладан, падаркушликдек машъум фожиа ва унинг оқибатларига ўзининг шахсий муносабати бор! Бир асарда ўнлаб қаҳрамонларнинг руҳий оламларига тийран назар ташлаш ва уларни бир нуқтага — Мирзо Улуғбек бунёд этган маърифат хазинасига муносабатда жамулжам қилиш... ўзбек романчилигида, ҳаттоки жаҳон романчилигида ҳам мисли кўрилмаган ҳодиса эди. "Диёнат" романида эса бу ҳодиса қарийб икки баробар кенгроқ миқёсларда содир бўлади. Асарда бош қаҳрамон Нормурод Шомуродов, яна бир етакчи қаҳрамон Отақўзи Умаров, шунингдек, Жамол Бўрибоев, Воҳид Миробидов, Ҳайдар ва бошқа жами элликка яқин инсонларнинг руҳий оламлари, ҳар бирининг диёнат тушунчасига бетакрор шахсий муносабатлари, ўнга яқин оилалар муҳити атрофлича очиб кўрсатилади. Айни чоғда шу адабий қаҳармонлар ва оилалар мисолида ўзбек халқи ҳаётининг эпосга хос кенг панорамаси чизилади.



Ўзбек романчилиги ва ундаги руҳий ҳолатлар таҳлили санъатининг тадрижий такомилида бетакрор ўрин тутувчи бу икки роман бошқа бир қатор ибратли жиҳатларга ҳам эга. Агар "Ўткан кунлар"да XIX асрнинг биринчи ярми, "Меҳробдан чаён"да шу асрнинг иккинчи ярми, "Кеча ва кундуз"да мазкур асрнинг сўнгги ўн йиллиги, "Қутлуғ қон" билан "Сароб"да XX аср бошлари, "Навоий"да эса XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган ўзбек халқининг ҳаёти ва руҳий ҳолати ҳаққоний акс эттирилган бўлса, "Улуғбек хазинаси"да XV аср (қарийб бир аср!), "Диёнат"да эса, XX аср (асрнинг 10-йилларидан то 70-йилларига қадар) эслаш, муқояса қилиш, қайта идрок этиш каби руҳий таҳлил воситалари орқали лўнда ва ҳаққоний тарзда бадиий гавдалантириб берилди. Агар бу ҳар бири қарийб бир асрлик тарихни хронологик изчилликдаги тасвирда кўрсатувчи анъанавий йўлда ёритилганида бир неча ўнлаб жилдлик асарлар ҳам камлик қилиши эҳтимол эди. Лекин бизнинг олдимизда кўп жилдлик йилномалар ва жангномалар, борингки, "Шоҳнома" ҳам эмас, таъбир жоиз бўлса, руҳнома, инсон руҳи ва қисмати нуқтаи назаридан қайта яратилган тарих, кўҳна тарихнинг том маънодаги бадиий инъикоси турибди. Дарҳақиат, "тарихнавис адибнинг иши тарихчи олимнинг иши тугаган жойдан бошланади" деган гап теран маъноли гап. "Улуғбек хазинаси" ва "Диёнат" романлари бунинг яққол далилидир.

Мазкур икки роман ва улардан кейин дунёга келган талайгина асарларда руҳий ҳолат таҳлили бобида тўпланган бой тажрибалар келгусида улкан тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

ОТАУЛИ

ЎЛАНЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН НАВО

Боланинг назарида табиат ўзгача тусга киргандек туюлди. Майин шабада юзини силади. У қуёшни, майсалар билан қопланган қирларни завқ билан кузатди. Ҳар йили шунақа, дарахтларнинг барг ёзишини кузатишга уринади-ю, улгуролмайди. Кечагина манави теракларнинг шохлари шип-шийдам эди, бугун дарров япроқчалар пайдо бўлибди.

Достон нонушта қилиб бўлгач, "куракча" ясашга ёғоч қидира кетди. У ёғоч қошиқ майёрлашдан завқ оларди. Шу боис ҳар йил Наврўз арафасида ўтказиладиган дарвешона (халқ маросими) кунида ҳаммага ёғоч қошиқ-куракчалар ясаб беради. Ўтган йили Достон ўқийдиган мактабнинг ўқувчилари меҳнат дарсида қошиқча ясаб олиб чиқишган, кексалардан роса дуолар олишган эди. Ёшлигида у сайилга айланадиган қадимий анъанани унчалик ёқтирмасди, нима учун халқ йиғилиб таом пиширади, нега айнан ёғоч қошиқ билан ейиш керагу ўша жойда қолдириш шарт, каби саволлар уни қийноққа соларди. Улғайганидан сўнг бунинг сабабини англаб етди, билмаганларини бувисидан сўраб ўрганди.

Азалдан тантаналар билан нишонланадиган Наврўз айёмини қишлоқдошлар "қозонлар тўладиган кун" дея зўр қувонч билан кутиб олишарди. Чунки кўкламнинг келиши, қозонлар тўлиши — бу мўл ҳосил тимсоли, қут-барака белгиси. Кўкламнинг ҳузурбахш кунларига етган кишилар дошқозонлар атрофида "мўл-кўлчиликка чиқдик", дея шукрона қиладилар. Наврўз айёми арафасида тантаналар билан юртимизнинг турли ҳудудларидаги қишлоқларда ўтказиладиган дарвешоналаги ёғочдан қошиқчалар ясаб олиш (қадимда ҳозиргидек тайёр қошиқлар бўлмаганлиги сабабли) анъанаси ҳозиргача давом этмоқда...

Зумрад хола тугунини қўлтиқлаганича набираларини эргаштириб, Булоқбошига йўл олди. Новқот зиёратгоҳига яқинлашаркан, вужудида билинар-билинмас титроқ пайдо бўлгандек туюлди, узоқ болалик йиллари кўз олдида жонлана бошлади. Бироқ кўп ўтмай олис хотиротларга бошлаётган хаёлларини қорининг тиловати тўзғитиб юборди. Хола нафасини ростлади, марҳумларни ёдга олиб, юзига фотиҳа тортар экан яна хаёлга берилди: "Урф-одатларимиз қанчалар яхши. Шу удумларимиз туфайли қадриятларимиз сақланиб келмоқда, милдан-милга, ёшдан-ёшга, қалбдан-қалбга ўтаётир. Шу пайтгача бу муқаддас ерда не-не буюклар от суриб ўтмаган, азиз авлиёлар яшамаган. Айтишларича, Амир Темур қўшинлари билан шу сўлим масканни бир қанча муддат қароргоҳ қилган экан. Қишлоқнинг Новқот деб аталиши Новқатбегим (Амир Темурнинг канизаги) номига бир ишоралдир, деган гаплар ҳам қулоққа чалиниши шундан бўлса керак".

Одатга кўра, дарвешона маомини идишларга сузишдан олдин қозон бошига энг ёши улуғ киши таклиф этилади. Ҳозирги кунда қишлоқнинг энг кексаси, шубҳасиз, Зумрад хола. Хола даврага чиқишдан олдин айтадиган тилакларини хаёлан такрорлади. Йиғилганлар кўз ўнгида халқ таомидан жимжилоқ учида татиб кўргач, эл-юртни дуо қилди. Таомлар тортилгач эса дастлабки Наврўз лапари холанинг тилида жаранглади:

Омонлик, ҳей, омонлик, етдик Наврўзга,
Унутилсин ёмонлик, қут бер ризқ-рўзга.
Юртга тинчлик сўрайман, оламга чирой,
Шу айёмни қутлай деб ундирдим буғдой.
Замонга минг шукрким, етдик Наврўзга,
Майса ўсибди дуркун, сурай мен кўзга.

Кейин Халича момо ўртага чиқди:

Бир ён катта кураш, бир ён кўпкари,
Аския, айтишув, ўланлар бари,
Янгаларнинг айтган авжли ёр-ёри,
Севинч бағишлайди кекса-ю ёшга,
Наврўзжон, бу йилги келишинг бошқа.

Йилига булоқнинг ҳовузига "куракча" отиш ёшлар ўртасида мусобақага айланиб кетади. Кузатсангиз, қизиқ-қизиқ ҳолатларнинг шоҳиди бўласиз. Мана, улардан бири кўзини юмиб, қошиқчасини улоқтирган ёшгина болакай ниятларини пичирлаб такрорлади ва ҳовуздан узоқлашди. Достон кураш тушиш, хўроз уриштиришдан кўра қошиқ улоқтиришга қизиқади. Отишга отади-ю, лутор шаклидаги қошиқчасидан кўнгил узолмай кўздан йўқолгунча термулиб қолади.

У бу сафар ҳам халқ сайли — дарвешоналан бир олам таассуротлар билан қайтди. Бу завқ-шавқни хо-

тира лафтарига туширмаса асло иложи йўқ эди. Энг аввал Наврўз кунидаги урф-одатларни бирма-бир қайд қилишга киришга кетди: "Наврўз куни чақалоқ дунёга келса, исмини Наврўз қўйишади. Орасидан гап қочган одамларни ёши улуғлар Наврўз куни яраштирали. Наврўз байрамидан икки-уч кун олдин ҳовлилар, кўчалар ва муқаддас қалдамжолар яна бир сидра супуриб, тозаланади. Кимдир ниҳол, кимдир гул экишга чоғланади. Марҳумлар ёдга олинади".

Яна нималарни ёзиш мумкин? «Катта-катта лошқозонлар осилиб, сумалак тайёрланади. Бувиси Наврўзда бир қозондан таом еганлар бир-бирига қариндошлек яқин бўлиб қолишини кўп бора таъкидлаган...»

Достон бахт оғушида қалам тебратар экан, шунчалик гўзал лаҳзаларни бошдан кечираётганлигини ўша сонияларда унчалик ҳам ҳис қилмаётганди. Чунки у бир кун келиб мана шундай сайилларда қатнашишни орзулаб қолишини, бувисини, ҳар бир сўзу одатларини қўмсашини, шу борлиққа сингиб кетишни хоҳлаб қолишини билмасди. Нариги хонадан бувиси ҳассасини "тўқ-тўқ" қилиб чиқиб келаётгандек, бувиси орадан йиллар ўтса-да ҳали ҳам ўша уйда, ўша жойда ётгандек туюлаверишини жажжи тасаввурига сиғдира олмасди. У ҳозир фақат Наврўз айёми ҳақида билганларини қайд этиб қўйишни ўйларди, холос. Ростдан ҳам фақат шундай қилганлагина кўнгли хотиржам бўлади, кейинчалик эса унинг ҳамроҳи, сирдоши, суянчиғи, ишонган борлиғи шу тўкилдиқлар бўлиб қолишини қаердан ҳам билсин...

Достон ёзганларини яна бир карра ўқиб чиқди. Яна нималардир ёзилиши керакдек кўнгли тўлмади. Дераза оша боққа мўралади, ҳар йили пишар-пишмасидан тугатиб қўйишалиган анорни, олмазорни, оқиш булутлар сузаётган кўкимтир осмонни бир оз кузатди. Чилолмали, ташқарига чиққиси, чучмомалар тергиси, югуриб-югуриб ўйнагиси келди. Болалиги ғолиб чиқди, ёзаётганлари якунланмай қолди. Балки бунинг лавоми келаси йилги Наврўзда ёзилар...

Азиз НОРҚУЛОВ,
Бахмал тумани

ЎҚИНГ, БУ ҚИЗИҚ

Маълумки, қадим замонлардан бери ҳайвонлар хатти-ҳаракатига қараб табиат ҳодисалари ва об-ҳаво олдиндан башорат қилиб келинади.

Хўш, ҳайвонлар бўлажак воқеаларни қандай қилиб олдиндан билади? Бунга нима ёрдам беради? Худди шу каби саволлар билан қизиққан Хюстон об-ҳаво бюроси бир фермернинг сигири билан мусобақалашади. Маҳаллий газета ҳакамлик қилиб об-ҳавони олиндан айтиб беришда ҳар бир тўғри маълумот учун бир очкодан баҳолаб борди. Буни қарангки, мусобақа якунида фермернинг сигири Хюстон об-ҳаво бюроси устидан 9:8 ҳисобида ютиб чиқди.

Шу ҳақда ўйлайсану инсониятга дахлдор баъзи башоратлар олдида лол қоласан, киши. 1924 йили профессор В.Ветчинкин Москва университетида лекция ўқиётиб, шундай дейди:

— Тахминан эллик йиллардан кейин одам Ойга боради...

Шу пайт залдан кимдир луқма ташлади:

— Аниқроқ айтиш мумкинми? — Мумкин, — жавоб қилди профессор. — Техника тараққиётини назарда тутган ҳисобларига кўра, бу ҳодиса 1972 йилга қадар рўй беради. 1969 йилдаёқ Ойга инсон қадами етганини эса эслатиб ўтишга ҳожат бўлмаса керак. Аммо тарихий кўпгина ҳодисалар келажакни олдиндан кўра олишда одам бундан ҳам юксак қобилиятга эгалигини кўрсатади.

Монах Авел Россия императорлари Екатерина II билан Павел I ўладиган кунни соатигача олдиндан айтиб берган, французлар босқини ва Москва ёндирилишини башорат қилгани учун қайта-қайта турмага ташаверган ва оқибатда ҳаётининг йигирма йилини маҳбусликда ўтказган.

1817-18 йилларда Александр Пушкинга келгуси ҳаёти башорат қилиниб, у тез орада машҳур бўлиб кетиши, икки марта сургун қилиниши ва энг муҳими — узоқ умр кўриши мумкинлиги, аммо 37 ёшида баланд бўйли малла йигитдан, оқ от ва оқ бошдан эҳтиёт бўлиши кераклиги айтилган.

Кейинчалик топилган Пушкиннинг дўстларидан бирининг кундалигида эса шундай ёзилган: "1837 йил, февраль. Пушкин Дантес билан дуэлда ҳалок бўлди... кишининг ишонгиси келмайди. Миш-мишлар тўғри чиқди... Башоратни эсладим..." дарҳақиқат, Пушкин 37 ёшида баланд бўйли (1 метр, 80 сантиметр) малла йигит Дантес томонидан ўлдирилди. Қарангки, йигирма йил олдинги башорат тўғри чиқди! Пушкин малла рангли баланд йигитдан эҳтиёт бўлиш ҳақидаги огоҳлантиришга қарамай, А.Муравевнинг шоҳидлигига кўра, ўзини ғалати тутган: "... шу белгилари учраган заҳоти у, ўша машъум одам шу эмасмикан, деб ўйлайверган. Пушкин ўз тақдирини тезроқ синаб кўриш учун ҳатто бундай одамнинг ғашига тегишга ҳам уринган."

Пушкин ҳаёти мисолидаги ушбу башоратда қадимги Рим нотиғи Цицероннинг "Башорат кўп ҳолатда руҳий жиҳатдан зарарлидир" деган фикри ўз исботини топгандек. Аммо нима бўлган тақдирда ҳам, ушбу қобилият кучли ва кучсиз равишда барчамизда мавжуд бўлади. Биз унинг кичик кўринишини "оёғим тортмади", "юрагим сезиб турибди", "дилимдан ўтказиб турувдим" каби фикрларда кўришимиз мумкин.

Дарвоқе, бу сезувчан қобилиятнинг киши пахс сифатида шаклланишида ҳам муҳим ҳиссаси бор. Гап шундаки, баъзида инсонлар ўз имкониятлари ва салоҳиятлари етмайдиган ишга уринишади ва ҳаракатлари самарасиз кетгач, тушкун кайфиятда юришади. Агар ички сезувчан қобилиятини ишга солиб, ақлий салоҳияти ва имконияти етадиган режа сари интилсалар борми, бунда аввало мақсадга эришиш билан бирга инсоннинг ўз кучига бўлган ишончи ортиб боради.

Зебо НАМОЗОВА
тайёрлади.

ВАТАННИ СЕВМОҚ — САОДАТЛИ АМАЛ

Инсон руҳиятини ҳамиша кечинмалар ҳаракатга келтиради. Чунончи, одамзод идрок майдони ҳеч қачон бўм-бўш шаклга тушиб қолмайди. Ана ўша ҳиссиётларнинг энг улуғи Ватанга муҳаббат туйғусидир.

«Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» —, дейди назм мулкининг султони Мир Алишер Навоий. Хўш, бунинг маъноси нима? Астойдил ўйлаб кўрсак, Ватанга муҳаббат туйғуси қон-қонимизга сингиб кетганлигини англаймиз. Буни ҳар бир адиб ўзича талқин қилади.

Нобель мукофотининг совриндори Ҳерманн Ҳессенинг дурдона асари "Чўл бўриси" романида шундай кичик лавҳа бор. Ижара излаб юрган киши тубандагича тасвирланади: "У қўнғироқни тортиб чалди-да, ойнаванд эшикдан кириб келди. Нимқоронғи даҳлизда холам ундан муддаоси нелигини сўради. У, Чўл бўриси эса, жавоб ўрнига калта сочли бошини юқорига чўзиб, чор-атрофни асабий димоғи билан искаб кўрди-да, деди: О, бу ернинг ҳавоси муаттар экан. Ва, кулимсиради, бунга жавобан холам ҳам жилмайди, бироқ менга бу салом-алик кулгили туюлди ва ичимда уни яниб қўйдим".

Ҳақли равишда савол туғилади: Чўл бўриси — жаноб Ҳаллер бошқа мамлакатга бориб қолганида ўта самимий тарзда шу гапни айтар эдими? Бир оғиз сўз наҳотки мутлақо нотаниш кишиларни ўзаро боғласа? Бу — Ватанпарварлик тушунчаси. Ватан тўғрисида шундай ўйламоқ, шундай гапирмоқ жоиз.

"Хиноли қор" номли турк телесериали кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ҳар бир лавҳада ватанпарварлик туйғуси мужассам. Эсланг — Қамбар девонанинг уйини сув босади. Бей девонага эски бир ҳовли совға қилади. Умар ҳамда Али муаллим, уй сенга ёқдими, деганида, Қамбар, билмадим, ҳали мен уй билан суҳбатлашмадим, мени ёқтирадими, мен уни ёқтираманми, дея жавоб қайтаради. Бу-да ватанпарварликнинг бир намунаси. Одам Ватан тимсолида тоғу тошлар, дов-дарахтлар, ўт-ўланлар, уйлар билан мулоқотга киришади, руҳан яқинлашади.

Ўзга элнинг боғи билан боғчаси, ўз юртимнинг ёнтоғинча кўринмас, дейилади қўшиқда. Бу оддий хулоса эмас, балки Ватан тупроғи устуворлигига далил. Ва алоҳида таъкидлаш лозимки, бу қиёсларни одамларнинг ўзлари ўйлаб топишмаган. Ватандан йироқда асал татимайди. Ўз юртингда оққан лойқа сув асалдан ҳам тотли. Негаки, одамзод кўринмас ришталар ила ўз Ватанига боғланган бўлади.

Кўпчилигимиз пойтахтга олис қишлоқлардан кўчиб келганмиз. Баъзида тушимизга қишлоқ манзаралари кириб чиқади: эски далалар, кечалари одамни қўрқитадиган қуюқ дов-дарахтлар, чангли йўллар, чағир тошлар... Ёқимли ҳаво. Шабада. Қип-қизил шафақ. Ифор... Буларнинг бари кўнгилни орзиқтиради. Демакки, ухлаётган чоғимизда онг остидаги хотирот аста-аста лавҳаларга айланиб, "тепа"га кўтарилар экан. Ватанни шундай тушунмоқ керак.

Биз ёшларга Ватанпарварлик бобида кўп сабоқ берамиз. Ватанни севмоқ лозимлигини қайта-қайта таъкидлаймиз. Аммо, шусиз ҳам бу муқаддас тушунча ёшлар томирида оқаверади. Энг асосийси, уларда Ватанга хизмат қилмоқ керак, деган тушунчани қарор топтиришдир.

Ватаним учун нима қилдим? Бу савол ҳамиша ёшлар онгини банд этмоғи жоиз. Зотан, одамзоднинг имкониятлари беқиёсдир. Агар ўша имкониятлардан ўз вақтида фойдаланилса, ҳар икки тарафга-да фойдали бўлади.

Алалхусус, биз энди Ватан равнақини ошириш тўғрисида ўйламоғимиз керак. Зотан, қуруқ муҳаббат, фойдасиз меҳр ҳеч кимга ҳеч нарса бермайди. Ватанни севдингми — буни амалда исботла!

Фотима ПРИМОВА,
фалсафа фанлари номзоди.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ТАКОМИЛИ ЙЎЛИДА

Ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат сиёсати янгиланиш жараёнларини босқичма-босқич амалга ошира бориб, пировардида ҳар томонлама етук, баркамол ҳуқуқшунослар авлодини тарбиялашга қаратилгандир. Юристларнинг замонавий ҳуқуқий онги шаклланишида эса Конституциянинг роли каттадир.

Худди мана шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги кўрсатмалари ўз мазмун-моҳиятини янада ёрқинроқ намоён этади. Яъни: "...сиёсий ислоҳотлар муваффақияти, – дейди Президентимиз, – аввало, бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлиқ". Шундан келиб чиқиб, "Қонунчилик соҳасида асосий эътибор бошқарув органлари фаолиятини аниқ белгилаб қўйиш, зўравонлик ва ўзбошимчаликка барҳам беришга қаратилмоғи зарур".

Мазкур қоидалар бизнинг конституциямиз тарихида биринчи марта мустаҳкамлаб қўйилмоқда ҳамда улар давлат ва фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласини янгича тартибда қўяди. Шу тариқа, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шу жумладан, юристларнинг иши қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосида турган инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини қарор топтиришга қаратилиши кўзда тутилади. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш – ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим вазифаси ва бу юристларнинг ҳуқуқий маданиятига, уларнинг одоб-ахлоқ даражасига қўйиладиган талабларни белгилайди. Республикамиз Президенти бу борада ўз қарашларини баён этиб шундай деган эдилар: "... биз ҳар ким ва ҳар бир нарса қонунга бўйсуниши лозим бўлган ҳуқуқий давлат қурмоқчимиз. Бизнинг жамиятда қонун бошқарувнинг асосий ва кўп қиррали воситасига айланиши зарур. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига катта масъулият юклатилади. Уларнинг касб маҳорати ва ахлоқий сифатларига бўлган талаб кескин ошади. Шундан келиб чиққан ҳолда, суд, прокуратура, милиция тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириб бориш зарурати тобора кўзга ташланмоқда. Негаки, бу органларда кимларнинг ишлашга ҳаққи бор, у қандай хусусиятларга эга бўлиши керак, унинг жавобгарлиги ва мансаб пиллапоясидан кўтарилиш шартлари айнан қонунда ўз аксини топиши керак. Ўзбекистон Конституцияси қоидалари замонавий юристнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга катта таъсир кўрсатади.

Ушбу қоидалардан бирининг устида бир оз тўхталсак. Демак, Конституция мансабдор шахслар ҳам қонунга хилоф иш тутиш эҳтимоли борлигини эътироф этади. Худди мана шу эътирофнинг ўзи қонун барча учун баробар эканини англатади. «Ҳокимият органларининг жиноятга аралашиб қолиши, – деб алоҳида таъкидлайди Президентимиз, – ривожланаётган жамият учун энг жиддий хавф-хатарлардан биридир».


Янги қонун ҳужжатлари шахс ўзи, оила аъзолари ёки доираси қонун билан белгиланган яқин қариндошлари хусусида кўрсатув ёки тушунтириш беришни рад этганлиги учун жавобгар бўлмаслиги ҳақидаги қоидани белгилаб қўйгани ҳолда юристлар учун янги ахлоқий-ҳуқуқий вазиятни юзага келтирди. Бинобарин, ҳеч ким инсонни ўзига қарши гувоҳлик беришга ёки ўзини айбли деб иқрор бўлишга мажбур қилиш ҳуқуқига эга эмас. Фуқародан оила аъзолари ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришни талаб қилиш тақиқланади. Қонунчиликдаги бу янгилик шахс ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг асоссиз айбловдан ўзини ўзи ҳимоя қилиши учун хизмат қилади. Бироқ бу, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишловчи юристлар учун янгича ҳуқуқий вазиятни ҳам вужудга келтиради.

Ўз ўзидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда таркиб топиб бораётган ҳуқуқий-демократик жамиятнинг ҳуқуқий асоси, таянч устуни Конституция бўлиб, у конституциявий ҳамда жорий қонунлардан иборат. Конституциявий қонунлар жорий қонунларнинг мазмуни, вазифаси ва принципларини аниқлаб беради. "У инсон ҳуқуқларини, барқарорликни, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончни кафолатлайди".

Юристлар ўз фаолиятида Конституция нормаларини қанчалик тез-тез қўллашлари, ўз ҳаракатларини унинг қоидаларига мослаб амалга оширишлари – демократик ҳуқуқий онг кўрсаткичларидан биридир. Бинобарин, Олий суд Пленумининг "Олий судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қўллаш тўғрисида"ги қарорини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини қарор топтириш фалсафий концепциясига асосланади. Шундан келиб чиқиб, юристлар ҳуқуқий онгини шахс ҳуқуқлари устуворлигига йўналтирган ҳолда шакллантириш керак бўлади. Фақат шу аснода ҳуқуқий давлатчиликни бунёд этиш мумкин. Бу мезонга риоя этиш юристларнинг ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятидаги муҳим вазифасидир. Бу эса кўп жиҳатдан юристлар ҳуқуқий маданиятининг сифати билан белгиланади.


Худоёр МАМАТОВ



РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИЯ ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ ҲАЁТИДАН











Ғижжаги Бобурий

Андижонлик чолғушунос уста Абдумалик Мадраимов чорак асрдан зиёд фаолияти давомида Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби сиймоларнинг илмий-фалсафий ва бадиий-тарихий асарларини қунт билан ўрганиб чиқиб, ўша даврга хос чолғу асбобларини қайта тиклади.

У яратган мумтоз чолғу асбоблари яқинда пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғ Маданият ва санъат кўргазмаси биносида ўтказилган "Анъанавий мусиқа чолғулари" кўргазмасида намойиш этилиб, мусиқа шинавандаларининг олқишига сазовор бўлди. Қуйида мухбиримизнинг Абдумалик Мадраимов билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.



– Кўргазмада "Ғижжаги Бобурий" кўпчилик томошабинларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Шу чолғу асбобининг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

– IX-XVI асрларда яшаб ижод этган бобокалонларимиз томонидан яратилган, аммо кейинчалик унутилиб кетган тарихий мумтоз мусиқа асбоблари нусхаларини қайта тиклашни ҳамда уларнинг замонавий нусхаларини яратишни мақсад қилиб қўйган эдим. Айниқса, Камолиддин Беҳзод миниатюраларида акс эттирилган соз ва созандаларга қизиқишим орта борди. Улардан чизма кўчириб ясашга киришдим. Эгаллаган тажрибамни Бобур асарларидаги мусиқага бўлган муносабатига, тарихий расмларда акс этган ғижжак нусхасини яратишга сарф қилдим. Айнан расмлардаги асбобни танладим. Сознинг ташқи кўринишини ясаш унчалик қийинчилик туғдирмади. Аммо соз товуши тебранишларини чиқариш ҳийла қийин кечди. Ва ниҳоят, яратилган янги соз товуши мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. "Ғижжаги Бобурий"гина эмас, "Дилрабо", "Дилнаво", "Хушнаво", "Мерос" деб номланган ажойиб созларни яратиш шарафига ҳам эришдим.

– Сиз яратган мумтоз созларни қандай топишиш ва сотиб олиш мумкин?

– Мен яратган созларнинг барчаси Тошкентдаги Темурийлар Давлат музейининг доимий кўргазмасидан ўрин олган. Шуни айтиш мумкинки, фақат ўзимизда эмас, балки чет элларда ҳам бу созларга ихлосмандлар кўпайиб бормоқда. Биз яратган созларни АҚШ, Хитой, Афғонистон каби қатор давлатлар сотиб олиши билан бирга бошқа кўплаб буюртмалар ҳам беришмоқда. Булардан ташқари ҳозирга қадар, 1997-2003 ва 2005 йил "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида созлар коллекцияси билан қатнашдим. Ушбу фестивалларда турли мамлакатлардан келган санъаткорлар ва санъатсеварлар билан бўлган учрашувлар менга янги ижодий илҳом, янги режалар бахш этди.

2005 йилдаги V "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида 20 дан ортиқ хорижий давлат вакиллари миллий созларимиздан намуналар сотиб олдилар ва буюртмалар бердилар.

1997 йилдан бошлаб мусиқа мактаблари ва санъат билим юртлари учун ҳам чолғу асбоблари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1997 йил Ўзбекистон Қуролли кучлар ашула ва рақс ансамблига, Ўзбекистон чегара қўшинларига, 2000 йилдан Халқ таълими вазирлигига мактабгача тарбия муассасаларига, Маданият вазирлигининг мусиқа мактабларига, 2002 йилдан Олий ва ўрта махсус таълим вазир-

лигининг касб-ҳунар билим юртлари, Санъат, Педагогика ўқув юртлари учун чолғу асбоблари етиштириб бермоқдамиз.


– Ўзингиз ва шогирдларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.


– 1949 йилда Андижон шаҳрида ишчи оиласида туғилганман. Санъат соҳасида олий маълумот олгач, миллий ҳунармандчилик ва санъатга қизиқиб қолдим. 1973 йилдан бошлаб халқ ҳунармандчилигининг миллий мусиқа созларини таъмирлаш ва яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бордим.

Илмий изланишлар натижасида IX-XVI асрларда яратилган мусиқа асбобларини тадқиқ эта бошладим ва уларнинг замонавий нусхаларини яратиш билан шуғулландим.

Ижодий фаолиятимда яқиндан ёрдам бераётган устозим Абдунаби Абдуғафуров меҳнатини алоҳида қайд қилмоқчиман.

Албатта, ўз ҳунаримни ёшларга ўргатиш борасида қатор ишлар бажарилган. Қисқа қилиб айтадиган бўлсам, ўтган ўттиз йиллик фаолиятим мобайнида ўттиздан зиёд шогирдларни тарбияладим. Қолаверса, юқорида номлари зикр этилган ўқув ва тарбия муассасаларида биз яратган чолғуларни ўрганаётганлар ҳам бизнинг шогирдларимиз десак, хато қилмаган бўламиз.





Шуни фахр билан айтишим мумкинки, 1996 йилдан бошлаб, Президентимиз фармонларига мувофиқ миллий мусиқа асбобларининг ноёб ҳамда ягона коллекциясини яратиш борасида ҳам жиддий ишлар амалга оширилди.

– Сиз яратган мусиқий асбоблар кўплаб кўрик-танловларда ўз ижобий баҳосини олгандир?

– Ўз созларим билан 1995 йили Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО томонидан ўтказилган Бирлашган миллатлар ташкилоти 50 йиллигига бағишланган Ўзбекистон ҳунармандчилигининг 1-кўрик танловида қатнашдим. Тарихий чолғуларни қайта тиклаганлигим ва ихтироларим учун ЮНЕСКО ҳамда Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирландим.

Ижодий фаолиятим бўйича Ўзбекистон телерадиокомпанияси ўттиз дақиқали "Бугун тушларимга кирмиш Андижон", "Мозийдан садолар", "Уста" деб номланган фильмларни суратга олган.

– Ўта мураккаб, лекин фахрли бўлган ижодий ишларингизга муваффақият, ўзингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

А.РАҲИМҚУЛОВ
суҳбатлашди.

УСТУРЛОБИЙ

Термизийлар илмий-маданий мероси дунё аҳлини лол қолдириб келган. Шундай алломалардан бири Аҳмад Устурлобий ас-Сағоний ат-Термизийдир. Ул зот Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг акаси Сонурнинг ўғли бўлиб, 898 йилда Шеробод туманининг Буғ қишлоғида таваллуд топган (аллома 990 йили Бағдодда вафот этган).

Отасидан жуда ёш етим қолган Аҳмадга амакиси Ал-Ҳаким ат-Термизий ота илмини давом эттириш вазифасини юклайди. Амакисининг: "Падари бузрукворинг Сонур устурлоб асбоблари ясаган, тағойим Муҳаммад Исо (Имом Термизий) ул зоти бобаракатни бениҳоя ҳурмат этар эдилар. Падаринг илми бофандаликни обдан билар эдилар. Сен ҳам отангдек нужум илмини давом эттир", — деб маслаҳат берганлиги ҳақида Аҳмад Устурлобий "Илм ун-нужум" ва "Фазо ал-асар" номли китобларида ёзиб қолдирган.


Зеҳни ўткир ва зукко Аҳмад қисқа вақт ичида фалакиётга доир илмларни ўрганади, устурлоб асбоблари ясаб, осмон жисмларини тадқиқ қилиш ишларини бошлайди ва 922 йилда расадхона бунёд этади. Алломага замондош бўлган Сомон Ашур Ҳамзаи Ҳофиз ўзининг "Шажарайи Ҳофизия" ва "Шажарат ул-Калон" китобларида расадхонада ўз илмларини синаб кўришни Аҳмад Устурлобий ва Абу Али Ҳайсам бошлаб берганликлари ҳақида ёзади. Расадхона Термизга дунёнинг турли мамлакатларидан келган 36 нафар мунажжимнинг илмий-тадқиқот марказига айланади. Улардан бири Чи Зан Си асли тибетлик бўлиб, Чашмигов (катта кўз) лақаби билан кўплаб тадқиқот ишларини олиб борган. Унинг ватандоши Чи Югай Ли ҳам Аҳмад Устурлобийга шогирд тушиб, осмонни кузатиш амалиётларида иштирок этади. Бироқ 977 йили Чи Югай Ли устурлоб асбобларидан рухсатсиз фойдаланиш билан бирга, бу ерга Будда санамини ўрнатганлиги ва Будда таълимотини тарғиб қилаётганлиги маълум бўлиб қолади. Аҳмад Устурлобий бу ҳақда шундай ёзади: "Устозларидан ҳам, каминадан ҳам сўрамасдан устурлоб асбобларидан фойдаланган ва тунда Буддага сажда қилган. Мусулмон таомилига кўра унинг бу ишларидан ранжидим ва шогирдликдан узоқроқ бўлмоғини истадим".

Шогирдликдан четлаштирилган Чи Югай Ли расадхонага ўт қўяди. "Бу ерга яширинча келиб устурлоб асбобларимизни ва тупроқ қўрғонимизни ёндириб юборди. 358 йилда (ҳижрий) ҳам ёнғин тутуни тугамади, у ерга борганимда тупроқ қозонда қайнагандек қайнаб ётарди. Бу ернинг иссиқлигидан Жайҳунни суви илиқ бўлиб кетган. 360 йили бориб кўрганимда тупроқлардан кўзгу (ойна) ҳосил бўлиб қолганди. Шундан бошлаб бу ер Тепаи сия (Қоратепа) деган ном олди. 361 йили Қоратепани бориб кўрганимда, ҳеч қандай гиёҳ ўсмаган эди. Бир чақиримча нарида Чи Югай Лининг Буддахонаси турарди", — деб ёзади муаллиф "Илм ун-нужум" асарида.

Савол туғилади, фалакиёт илмининг етук устозларидан бири Аҳмад Устурлобий расадхонаси қаерда жойлашган эди — ҳозирги пайтда археологик қазилма ўтказилаётган Қоратепадами ёки дарё қирғоғида? Аниқлик киритиш мақсадида Қоратепадаги қазиш ишлари иштирокчилари билан суҳбатлашдик. Қадимшунос олимлар Тўхтош Аннаев ва Зокир Холиқов фикрича ҳозирги Қоратепанинг маданий қатламлари фақат буддизм динига тегишли бўлиб, топилаётган ашёвий далиллар ҳам шунга хосдир. Яна уларнинг айтишича, ҳозирги

Қоратепага бу ном нисбий равишда XX асрнинг 30-йилларида археологлар томонидан берилган.

У ҳолда Аҳмад Устурлобий айтиб ўтган Қоратепа қаерда? Агар алломанинг: "бу ернинг иссиқлигидан Жайҳун суви илиқ бўлиб кетди", "Қайнаган тупроқлардан кўзгу (ойна) ҳосил бўлиб қолганди", "Бир чақиримча нарида Чи Югай Ли буддахонаси турарди", — каби маълумотларига таянадиган бўлсак, Устурлобий расадхонаси қурилган Қоратепа дарё қирғоғида бўлган. Чунки агар шундай бўлмаганида ёнғин сабабидан дарё суви илиқ бўлиб кетмасди.



РАСАДХОНАСИ

Тахминимизча, Чи Югай Лининг буддахонаси археологик қазилмалар олиб борилаётган ҳозирги Қоратепада жойлашган. Шу ўринда расадхона бунёд этилган Қоратепа дарёнинг қайси қирғоғида бўлган эди, деган савол туғилади. Аниқлик киритиш учун яна Аҳмад Устурлобийга мурожаат қиламиз: "Устоз Муҳаммад ал-Ҳаким ат-Термизий Қоратепадан Пайғамбар оролигача бунёд эттирган лахмнинг оғзи пишган тупроқ билан тўлиб қолган эди. Устоз бу лахм ила Пайғамбар ороли теграсидин чиқиб, ул зоти бобарокатни (Аюб алайҳиссаломнинг ўғли Зул Кифл алайҳиссалом қабри назарда тутиляпти) зиёрат қилар эдилар".

Бинобарин, Зул Кифл алайҳиссалом қабрига борадиган ер ости йўли расадхона билан бир жойда бўлган. Лахмнинг оғзи пишган тупроқ билан тўлиб қолгани лахмнинг оғзи ҳозирги Қоратепадан бир чақирим юқорироқда, дарё қирғоғидаги қаттиқ жойдан қазилган деган тахминни беради. Демак, Аҳмад Устурлобий расадхонаси эски Термиз Тупроққўрғони билан Чингизтепа оралиғидаги Жайҳун соҳилида, Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасига яқин ерда жойлашган дейиш мумкин.

Ўтган асрнинг 30-йиллари бошида дарё қирғоғи бўйлаб давлат чегараси қуриш пайтида кўпгина ерлар қатори Аҳмад Устурлобий расадхонаси жойлашган тепалик ҳам текисланиб, бир қисми чегара симлари остида, яна бир қисми чегара ичкарисида қолиб кетган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Тахмин қилинаётган жойда кўплаб сопол буюмлари синиқлари ва пишган ғишт уюмларининг сочилиб ётгани ҳам юқоридаги хулосани беради.

Фаразлар, тахминлар ва мунозарали баҳслар асосида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ҳамда археологик қазув-қидирув ишлари орқали буюк ватандошимиз Аҳмад Устурлобий бунёд этган расадхона топилиб, ҳақиқат рўёбга чиқишига умид қиламиз.

Ҳамза КИЧКИЛОВ,
Термиз давлат университети доценти

Расул ҲАМЗАТОВ

МЕНИНГ ДОҒИСТОНИМ



Куй авжида узилмасин тор

Ўтган асрнинг 60-йилларида Доғистон халқ шоири Расул Ҳамзатовнинг "Менинг Доғистоним" асари эълон қилинди. Она-Ватан, миллий қадрият, авар халқи ва унга қўшни халқлар урф-одатлари, анъаналари тўғрисидаги бу асар китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинди. Янгиликка интилиб ижод қилган журналимиз таҳририяти бу асарни она тилимизда тезроқ етказишни иш режасига киритди. Асарни ўзбек тилига таржима қилишни севимли шоиримиз Эркин Воҳидов зиммасига олди. Бошланган хайрли иш "Гулиситон" журналимизнинг 1968 йилдаги 1-сонида самарасини берди. Афсуски, журналнинг кейинги сонларида пешмапеш бериб борилаётган асарнинг таржимаси маълум сабабларга кўра тўхтатиб қўйилди.

Беадад шукурки, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди, миллий қадриятларимиз бўй ростлади. Биз дунёга бағримизни очдик, дунё бизга қучоқ ёзди. Барча соҳаларда бўлгани каби бошқа халқлар, давлатлар билан адабий алоқаларимиз мустаҳкамланди. Эндиликда миллий қадриятлар улуғланган "Менинг Доғистоним" каби асарларни таржима қилишга имконият дарвозалари очилдигина эмас, бундай асарларга эҳтиёж сезилаётгани учун уларни ўзбекчалаштиришга шароит яратиб берилянти.

"Гулистон" журнали таҳририяти ҳам адабиёт соҳасида олиб борилаётган улкан ижодий жараёнга ўз ҳиссасини қўшишни ният қилди ва ўтган асрда бошлаган эзгу ишини давом эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Аслида куй авжида тор узилмайдиган замонда "Менинг Доғистоним" асари таржимасини давом эттириш қадрдон журналхонларимиз олдидаги бурчимиздир. Бу борада ушбу асар таржимасини бошлаган севимли шоиримиз Эркин Воҳидов билан маслаҳатлашдик. Ниҳоят, "Менинг Доғистоним" асари таржимасини Расул Ҳамзатов асарларини таржима қилиб бирмунча тажриба орттирган шоир Асрор Мўмин зиммасига юкладик.

Азиз журналхон!

Савоб ишнинг кечи бўлмайди. "Менинг Доғистоним" асарининг Эркин Воҳидов таржимаси тугаган жойдан бошлаб, янги таржимасини журналимизда беришга киришдик. Ишончимиз комил, энди куй авжида узилмайди тор. Бундай ишонч билан фикр билдиришимизга Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, ҳурфикрлилигимиз ваколат беради.

ТАҲРИРИЯТ

Пастдай кўринади азим чўққи ҳам,
Мисоли, чўзилсанг етади қўлинг.
Аммо тикка сўқмоқ бўйлаб юрган дам,
Қанча кўтарилма тугамас йўлинг.

Кимгадир шеър ёзиш осон туюлар,
Қалам олсанг бас, шеър ўзи қуйилар.
Аммо шеър ёзишдан, эй ғофил инсон,
Гоҳ чўққига чиқиш минг марта осон.

БУРГУТ БЎЛИШНИ ХАЁЛ ҚИЛГАН ҚУШЧА ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Отар тоғдан яйловга ҳайдалаётган пайт. Кутилмаганда осмондан бургут шўнғиди, битта қўзичоқни чангаллаб кўтарганча, кўздан йўқолди. Буни кичкина қушча кўриб турганди. У ўйлади: нега мен бургут ишини такрорлай олмас эканман, қўзичоқ нима бўпти, қўчқорни ҳам кўтариб кета оламан. Қушча баландроқ учди, қанотини йиғиб пастга шўнғиди. Воқеа қушчанинг қўчқор шохига урилиши ва ўша заҳоти ўлиши билан якунланди.


— Қачондир пашша ҳам тошни думалатмоқчи бўлган, — деди чўпон ўлган қушчани қўлига олар экан.

Ўзини бургутга тенглаштирган қушчани, охир-оқибат, пашшага ўхшатишди.

ЯНА МАВЗУ ҲАҚИДА

Мавзу — муҳаббат, мавзу — қасам, мавзу — тавба, мавзу — ибодат. Шарқликлар айтишади: ибодатни такрорлаган билан эскирмайди, ибодатни такрорлаган сайин имон бут бўлади.

Мавзу ҳақида бундай фикр мумкин эмас. Чунки битта мавзуни такрорлайверсанг, у майдалашади ва қадри тушади. Ахир, олмос қанча катта бўлса, шунча қиймати баланд. Кимга ҳам олмос кукуни керак?



Мен рус тили ўқитувчимиз Вера Васильевна ҳақида шеър ёзгандим. Кўрдимки, шеър ўқувчиларга ҳам, танқидчиларга ҳам ёқди. Хурсанд бўлганимдан шу мавзуда яна бита шеърни қораладим.

Бу шеърларимга энг тўғри қиёс шу: дастлабкиси бочкачадаги етилган винога ўхшаган бўлса, кейингиси виноси ичиб бўлинган шу бочкачани ювиб, тўкиб ташланаётган чайиндига ўхшайди. Бу чайиндида винонинг ҳиди бор, мазаси йўқ.

Етилмаган винони эски бочкачага солиб ҳам кўп сақланган вино деб ишонтириб бўлмайди. Яхшиси, мен баъзан москвалик дўстларимизни вино билан қандай зиёфат қилганимизни сўзлаб берай.

Биз кавказликлар туғилган юртимиздан Москвага қайтар эканмиз, қўлбола тайёрланган виномиздан оламиз. Дўстларни чақирамиз, бочкача очилади ва зиёфат бошланади. Бочкачадаги вино узоқ сақланган, тоза узумдан тайёрланган, сифатли. Винодан ичган дўстлар мақташади, бу ҳақда ўзларининг дўстларига сўзлаб беришади. Яхши винодан татиб кўришга эса иштиёқмандлар кўп. Маълумки, ҳар қандай бочкачанинг туби бор. Шундай кезда уялиб қолмаслик учун гуноҳга ботишимизни билсак ҳам буфетдаги шишали винолардан сотиб олиб, бочкачани тўлатамиз. Кейин ҳақиқий қўлбола вино, ўзимизнинг боғдаги узумдан тайёрланган, деб мақтаймиз. Бизнинг айбимизни ошкор қиладиган вино шинавандалари бўлмайди. Фақат битта меҳмон винони ичиб кўргач, менга қараган ва бошини чайқаган. Бошқалари эса қанча кўп вино ичса, шунча маст бўлди. Қанча кўп маст бўлса, винони шунча кўп мақтади.

Менинг кейинги шеърим чекига ҳам шундай савдо тушди. Шеърни тушунадиган зукко ўқувчилар бошини чайқаб дейишди:

— Акаси, бу иш бўйича Далағолов келиб кетганди.

Яна улар дейишди:

— Битта овулга битта тентак етади.

Шунда тушундимки, мен ҳам кекса ёғоч ўймакори қилган ишни қилибман. Яхшиси, мен бу уч воқеани тартиб билан ҳикоя қилиб берай.

Болалигимда бизнинг овулга ҳар куни газета ва хатлар солинган сумкани орқалаб почтачи Қурбонали келарди. У Эбут овулидан бўлиб, жуда ҳазилкаш эди. Почтани эгаларига тарқатиб бўлгач, у албатта отамнинг олдига тамаки чекиш ва суҳбатлашиш учун келарди. Билмадим, нима учун у суҳбатдош сифатида айнан отамни танларди? Чунки суҳбат мавзуси бир хил — уйланиш тўғрисида бўларди. Тўғрироғи, янгисига уйланиш ҳақида. Негаки, у ҳафта сайин уйланадиган, ой ўтмасдан ажрашадиганлар тоифасига кирарди.

Эсимда, эндигина ажрашган ва янги бева излаётган вақти эди. Гўё бир умр излаётган аёлини энди топганди. Чунки ҳар куни суҳбат давомида унинг гўзаллигини, ҳали ёш эканлигини, хушмуомалалигини мақтарди.

Бирдан ёш аёл ҳақидаги суҳбатлар тўхтади. Қурбонали ҳамон уйимизга келар, об-ҳаво ҳақида, хўжалик ишлари тўғрисида гапирар, ўртага жимлик чўккanda тўғри келган мавзуда сўзларди, лекин ёш аёл борасида миқ этмасди.

— Сен ўйлаб юрган ёш аёлингга уйландинг, шекилли, — деб сўради бир куни отам.

— Нималар деяпсан, Ҳамзат. Мен шундай ўйлаб юрган эканман, аёл эса умуман бошқача ўйлаган экан. Энди мен ёш бева топаман деб бутун Доғистонни айланиб чиқсам керак.

Шундан кейин Қурбонали узоқ вақт кўринмади. Овулма-овул юриб ўзига ёш бева излагани кетди, шекилли. Бу вақтда почтани ўғли тарқатди. Ниҳоят, иши юришмайдиган ҳамиша бўйдоқ уйимизга келди. Биз ундан ҳол-аҳвол сўрадик:

— Ишларинг қалай? Йўлинг равон, манзилинг яқин бўлдими?

— Эҳтимол, йўлим равон бўларди, аммо ҳамма ёқни Далағолов дегани расво қилишга улгурибди.

— Қандай қилиб?

— Жуда оддий. Мен қаёққа бориб дардимни айтмай, жавоб бир хил бўлди: «Кечикдинг, оғайни. Бу иш бўйича Далағолов келиб кетганди».

Дарбиш Далағолов аварлардан чиққан Дон Жуан эди. У 1938 йилда ўн саккизинчи марта уйланганди.

Почтачи Қурбоналининг бу гапи одамлар ўртасида бир зумда тарқалди ва бутун Доғистонда шундай ибора пайдо бўлди: «Бу иш бўйича Далағолов келиб кетганди».

ЭНДИ БИТТА ТЕНТАК ТЎҒРИСИДАГИ ВОҚЕА

Маълумки, ҳар бир овулда биттадан тентак бўлади. Бу бир ҳисобдан яхши. Агар овулда тентаклар кўп бўлса, бу ёмон. Агар тентак бўлмаса, нимадир камдай туюлади. Тентаклар ҳам бир-бирини танийди ва бир-бириникига меҳмонга бориб туришади. Хуллас, Хунзах овулидаги тентак уйига Гортакол овулидаги тентак меҳмонга келибди.

— Тентакка салом бердик.

— Тентакка алик олдик.

Кейин меҳмондорчилик таомилига амал қилинган. Печка ёнига ўтиришган, ейишган, ичишган. Учинчи куни гортаколлик меҳмон уйига қайтмоқчи бўлган. Мезбон тентак меҳмондорчилик таомилига кўра ҳурмат билан кузатган: совға берган, овулнинг чеккасигача бирга борган. Тентаклар қучоқлашиб хайрлашишган.

Меҳмондорчилик таомили тўлиқ бажарилди. Собиқ меҳмон овули томон қадам ташлаши билан унга нисбатан истаган муомалани қилиш мумкин, чунки у энди меҳмонинг эмас. Хунзахлик тентак гортаколлик тентакка бир сакрашда етиб олиб, қулочкашлаб туширган.

— Нега мени уряпсан, тентак?

— Менинг уйимга меҳмонга келма. Билмайсанми, битта овулга битта тентак етади.

Баъзан шу воқеани эсласам, хаёлимга беихтиёр шундай фикр келади: эҳтимол, битта овулга битта доно етади.

ЁН ДАФТАРЧАДАН

Бадавлат хон бир камбағалдан сўради:

— Ўрдакнинг қайси жойидаги гўшти ширин бўлади? Агар тўғри маслаҳат берсанг, совға бераман. Агар нотўғри маслаҳат берсанг, қамчилайман.

— Орқаси, — ўйлаб ўтирмай жавоб берди камбағал.

Ўрдак гўштини пиширишни буюрди. Хон татиб кўрди, гўшт ёқди, камбағалга совға берди. У иккинчи камбағалдан сўради:

— Буқа гўштининг қайси жойи ширин бўлади?

Иккинчи камбағал ҳам совға илинжида биринчи камбағалнинг гапини такрорлади:

— Орқаси.

Хон гўштни пиширтириб татиб кўрди ва маслаҳатчини қамчиси билан савалади.

Афсуски, ҳар хил сабаб топиб, ўйлаб ҳам ўтирмай бир-бирини такрорлаётган ёзувчиларни қамчилаш мумкин эмас.

ЭНДИ УНЦУКУЛ ҲАССАСИГА БИТИЛГАН ЁЗУВ ҲАҚИДА

Москвалик адабиётшунос Владлен Бахнов оқсагани учун ҳассага таяниб юрарди. Мен Доғистонга таътилга кетар эканман, унга унцукуллик усталар ясаган чиройли ҳассадан олиб келишга ваъда бердим. Уйга келишим билан Унцукулдаги таниш ёғоч ўймакорига илтимосномамни баён этиб мактуб йўлладим. Ўймакор отамнинг қадрдони, кекса усталардан бири эди, чиройли ҳасса тайёрларди. Энди мен ҳассага қандай ёзув ўйдириш ҳақида ўйлай бошладим. Шу даврда марказий газеталардан бирида адабиётшуносликка оид катта мақола эълон қилинди. Бу мақола «Танқид ўрнига калтак» деб номланарди.

— Ў-ҳў, — ўйладим мен, — москвалик адабиётшуносга совға қилинадиган ҳассага шундай ёзув ўйдириш керак.

Икки ҳафтадан кейин ҳасса тайёр бўлди. У Унцукулда тайёрланган ҳассаларнинг сараси эди. Ҳассадаги қуйидаги ёзув яққол кўзга ташланиб турарди: «Вл. Бахновга. Танқид ўрнига калтак. Расул Ҳамзатовдан».

Сизга маълумот сифатида айтишим керак, Унцукулда тайёрланган ҳассалар Маҳачқалъа, Пятигорск ва Кисловодскдаги ёдгорлик магазинларида, тоғдаги овулларнинг бозорларида сотилади.

Бир неча ой ўтгач, шу савдо шохобчаларида бир хил ёзувли ҳассалар пайдо бўлди: «Вл. Бахновга. Танқид ўрнига калтак. Расул Ҳамзатовдан».

Эҳтимол, дам олувчилар бу ҳассани совға сифатида сотиб олар экан, ҳайрон қолишгандир. Улардан кўра ўзим кўпроқ ҳайрон қолганим бор гап.

Маълум бўлишича, менга шундай ҳассани тайёрлаб берган кекса уста рус тилини умуман билмас экан. У ўйлаб ўтирмай мен қоғозга ёзиб берган сўзларни ўзи тайёрлаган бошқа ҳассаларга ҳам кўчираверибди. Уста ўйлаганки, шоир ҳассага шундай ёзув ёздиришни истадими, демак, унда қандайдир улуғ ҳикмат бор. Агар шундай бўлса, нега бошқа усталар ўзлари тайёрлаган ҳассаларга ўша ёзувни ёзишмади?

Кекса устани айблаш мумкин эмас. У соддадиллик билан меҳр қўйган шоирига ишонди. Аммо биз — тажрибали адабиётшунослар ўша соддадил устага ўхшаб қолмаяпмизми?

МАВЗУ ҲАҚИДА ХУЛОСА ЎРНИДА ЯНА НИМА ДЕМОҚЧИМАН?

Шундай мавзу борки, уни такрорлаганинг сари ибодатдай иймонингни бут қилади, кўнглингни ўстиради, маънавиятингни бойитади.

Бу мавзу — ибодат, бу мавзу — Ватан!

Агар болаларни шўхликлари учун жазоламоқчи бўлсангиз, тоғликлар одатига кўра истаган жойига уришингиз мумкин, лекин юзига қўл теккизиш мумкин эмас. Тоғликларнинг ёзилмаган қонуни бор: инсон юзи дахлсиздир.

Доғистон — менинг юзим. Кимнингдир менинг юзимга дахл қилишига йўл қўймайман!

Тоғликлар унча-мунча гапга жанжаллашишмайди. Ҳақорат қилишса ҳам чидашади ёки ҳақоратли сўзларга ҳақоратли сўзлар билан жавоб қайтаришади. Агар ҳақоратли сўзлар ўзларига қаратилган бўлса, улар шундай айтишиб тураверишлари мумкин. Бироқ ҳақоратли сўзлар онасининг ёки опасинглисининг шаънига тегиб кетса борми, қўллар ханжар томон чўзилади.

Доғистон — сен менинг онамсан! Мен билан баҳслашмоқчи бўлганлар, шуни доим ёдда тутинг. Мени хафа қилиш, ҳақорат қилиш мумкин — барига чидайман. Бироқ менинг Доғистонимга тил теккиза кўрманг.

Доғистоним — менинг муҳаббатим, менинг қасамим, менинг тавбам, менинг ибодатим! Доғистоним — ҳаётимнинг мазмуни, барча шеърларимнинг бош мавзуси!

Баъзан мендан фақат ўтмишингни, анъана ва урф-одатларингни, афсона ва қўшиқларингни, байрам ва тўй-ҳашамларингни, жангнома ва кулфатда билинган дўстларингни, садоқатли мурид-лар ва вафодор беваларингни, қатъиятли ўсмирларинг ва мушфиқ оналарингнинг кўз ёшларини сўзлаб беришимни сўрашади.

Баъзан мендан фақат ҳозирги кунингни, жамоа хўжаликларинг ва завод-фабрикаларингни, кутубхоналаринг ва театрларингни, меҳнатда кўрсатаётган қаҳрамонликларингни ҳикоя қилишимни сўрашади.

Мен сенинг ўтмишинг ёки ҳозирги кунинг ҳақида алоҳида-алоҳида сўзлай олмайман. Мен учун битта Доғистон бор. У сен ўзингсан асрлар синовидан мардонавор ўтиб келган Доғистоним. Менинг юрагимда сенинг ўтмишинг, ҳозирги кунинг ва келажагинг бирлашиб кетган.

Бошқа замин ва давлатлар тарихи қон билангина эмас, сиёҳ билан ҳам аскарлар ва саркардалар, ёзувчилар ва муаррихлар томонидан оппоқ қоғозларга ёзиб бўлинган. Доғистон тарихини эса, қиличлар билан тошларга ёзишган. Фақат йигирманчи асрдагина Доғистон қўлига қалам тутқазишган.

Доғистоннинг мард ўғлонлари қони тўкилган, хоки қўшилиб кетган қадимий жанггоҳлардан ўтдим. Жамоа хўжаликларидаги буғдой ва бошқа дон сепилган майдонлар, мендан асло ранжиманг. Ахир, мен Доғистоннинг ҳозирги куни ҳақида ёзганимда ўтмишини сира ранжитган эмасман.

Мен узоқ давлатлардан қайтганимда тоғликлар қуршаб олишиб, кўрган-кечирганларим тўғрисида сўрашади. Улар атрофимда даврa қуришиб, сўзларимни диққат билан тинглашади. Франциями, Ҳиндистонми, Япониями, Туркиями, бошқа давлатми, улар ҳақидаги хотираларимни уч соатча сўзларман, кейин ўз-ўзидан Доғистон тўғрисида гапира бошлайман. Мен Доғистон ҳақида сўзлайман, тоғликлар бу ҳақда биринчи марта эшитаётгандек, қулоқ солишади. Ҳолбуки, уларнинг ўзлари мен сўзлаётган Доғистон!

Маҳмуд буюк шоиримиз эди. Шеъриятининг бош мавзуси Марямга бўлган бахтсиз муҳаббатдир. Қадрдон дўсти ўғил кўрганда Маҳмуддан алла ёзиб беришини сўради. Маҳмуд алла ёзишга уриниб кўрди. Афсуски, Маҳмуднинг алласини тинглаган чақалоқ ухлаш ўрнига баттароқ йиғлади. Бошқа дўсти хотини вафот этганида, Маҳмуддан марсия ёзиб беришини сўради. Маҳмуд марсия ёзишга уриниб кўрди. Афсуски, Маҳмуднинг марсиясини тинглаган одамлар кўзларига ёш олишмади, баъзи бировлар жилмайиб қўйишди.

Аммо одамлар Маҳмуднинг Марямга бўлган бахтсиз муҳаббатига бағишланган қўшиқларини тинглаганда ҳамон кўзларига ёш олишади. Ҳа, Марям Маҳмуднинг бош мавзуси эди. Менинг бош мавзум эса Доғистондир. Менинг муҳаббатим чексиз ёки арзимасдир, мен билган ҳақиқат теран ёки соддадир, туйғуларим кўҳна ёки замонавийдир, аммо мен барибир сен ҳақингда ёзаман, Доғистон! Мен сен ҳақингда ёзиш учун қалам олсам, ҳамон ҳаяжонланганимдан қўлим қалтирайди.

ОТАМ АЙТАРДИЛАР: Агар полиз йўл устида бўлса, ўтаётган йўловчи пишмаган тарвузни ҳам ёриб кўради.

ДЕЙДИЛАР: Агар сув тўпиғингдан келса, шимининг почасини тиззангача кўтарма.

Рус тилидан
Асрор МЎМИН таржимаси.

(Давоми келгуси сонларда).

Машҳурликнинг машаққатли йўлида

Одатда актёрлар романтикага мойилроқ бўлишади. Баъзи ҳолларда ҳаётга жиддий қарамайдилар. Халқ ибораси билан айтганда, уларнинг тупроғи енгил бўлади. Айнан шу сабабдан ҳам, актёрликка ўқийман, деган ёш йигит-қизларга аввало ота-онаси, яқинлари қаршилик кўрсатишади. Бизни уятга қўйишинг мумкин, дея бу ғаройиб йўлдан бошидаёқ қайтаришади. Хуллас, "актёр" сўзи хаёлимизга келаркан, биринчи галда эркин ҳаётни севувчи инсон кўз ўнгимизда гавдаланади.

Таниқли актёр Матёқуб Матчонов хонадонига бориб, санъаткор билан суҳбатлашар эканман, не ажабки, бунинг тескарисига гувоҳ бўлдим. Оиладаги тарбиявий муҳит ниҳоятда қаттиқ экан. Ортиқча гап-сўз йўқ. Шарқона, ўзбекона одатлар ҳукм суради.

Шунда мен беихтиёр бу хонадонда романтика билан реал ҳаёт уйғунлашиб кетган экан, деб ўйладим. Ҳаётнинг шу алпоздаги шакли одамни ҳеч қачон қийин аҳволга солиб қўймайди. Ҳар битта қадамингни билиб боссанг, одоб-ахлоқ қоидаларига доимо риоя этсанг юзинг шувут бўлмайди, албатта. Матчоновлар оилавий шажараси Хоразмга бориб тақалади. Иккинчи жаҳон уруши даврида Тошкентга келиб, муқим ўрнашиб қолган оила қисқа фурсатда эътибор топди. Хонадон эгаларининг бағрикенглиги, самимийлиги, кўнгли очиқлиги бутун маҳаллага маъқул тушди.

Мазкур хонадонда спорт қадрият даражасига кўтарилган эди. Зотан, Матёқуб Матчоновнинг спортга, хусусан, боксга доир бадиий фильмларда маҳорат билан рол бажаргани бежиз эмас.

1984 йилнинг 15-март куни оилада кенжа ўғил дунёга келди. Чақалоққа эзгу ниятлар ила Жасур дея исм қўйишди. Жасурбек болалик чоғларидаёқ бокс билан астойдил шуғуллана бошлади. У ўзининг илк мураббийлари сифатида амакилари Ҳаким Матчонов ва Матназар Матчонов исм-шарифларини ҳурмат билан тилга олади.

Иккала амакиси ҳам ўз даврида машҳур боксчи бўлган. Жасурбек мураббийларидан бокс сир-асрорларини ўрганар экан, биринчи навбатда, ҳалол курашишни ўз олдига ният қилиб қўйди. Унинг наздида, ғирромлик қилиб ғалаба қозонгандан мардонавор туриб енгилган афзалдир.

Мен ўзим бир муддат бокс билан шуғулланганман. Бокс оламидаги гап-сўзлару миш-мишлардан воқифман. Бокс бизнес даражасига кўтарилар экан, истаймизми-йўқми, бу соҳада ҳам макр-хийла, ғирромлик юз кўрсатади. Гоҳида боксчилар рингда ўзларини масхарабоздек тутадиларки, бу тасодифий ҳодиса эмас. Бунақанги тоифага мансуб боксчилар ўз ҳунарларини сидқидилдан севмайдилар, бизга бокс оламининг жирканчроқ қирраларини намойиш қилишади,

холос. Агарда боксчи ҳунарига астойдил меҳр қўйган бўлса, аввало ўзини, ҳакамларни, томошабинларни ҳурмат қилади. Айниқса, залдаги томошабинлар, телеэкран қаршисидаги томошабинлар боксчининг руҳий ҳолатини, характерини тез илғаб олишади. Баъзи ҳолларда мағлубиятга учраган чарм қўлқоп устасини олқишлашади ҳам. Негаки, бокс — мардонавор ўйин. Боксдаги ғирромлик мағлубият билан баб-баравар.

Жасурбек ана шундай мард боксчилар сирасига киради. Даставвал унинг кўзларига қарадим: кўзларида самимият, меҳрибонлик учқунлари барқ уриб турадики, бу руҳият хонадоннинг барча аъзоларига тегишли.

1999 йилда Мурод Турдиев мураббийлигида Жасур Матчонов Республика чемпиони, деган шарафли номга мушарраф бўлди. 2002 йилда Кубада ўтказилган ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Италияда (2003), Германияда (2004) ўтказилган ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг учинчи зинасига кўтарилди. 2005 йилда Вьетнамда кечган Осиё чемпионатида унга иккинчи ўрин насиб этди. Худди шу йили Хитойда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни қўлга киритди. 2006 йилда ҳарбийлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида (Германия) иккинчи ўринни эгаллади.

Ва ниҳоят, Доха...

Миллионлаб бокс мухлислари бу "жанг"ни узоқ вақтгача эслаб юришлари эҳтимолдан холи эмас. Жасур Матчонов олтин медаль учун эронлик тажрибали боксчига қарши рингга кўтарилди. Рақиби ўзидан олти ёш катта, анчайин номдор эди. Аммо, шунга қарамасдан дастлабки раундларда Жасурбек рақибига шиддат билан ташланди. У ғолибликни қўлга киритишига сира шубҳа қилмаганди.

Охирги раундларда бокс шарҳловчимиз нақадар ранжигани ёдимизда. Негадир Жасурбекнинг аниқ зарбаларини ҳакамлар инобатга олишмади. Кумуш медаль. Бу ҳам чакки натижа эмас.

Осиё ўйинлари ниҳоясида бокс жамоамиз биринчи ўринни эгаллади. 2006 йил натижаларига кўра, терма жамоа мамлакатимизда "Энг кучли спорт жамоаси" деб эълон қилинди. Табиийки, бундай шарафли номга осонликча эришилгани йўқ. Боксчиларимизнинг, мураббийларнинг фидойилиги, меҳнатсеварлиги боис бокс жамоаси Осиё қитъасида биринчи ўринга кўтарилди. Бу серқуёш Ўзбекистонимиз учун шарафли ном.

Юртбошимиз таъкидлаганларидай, ҳеч бир омил спортдек мамлакатни жаҳонга қисқа фурсатда танита олмайди. Спорт — миллатни, давлатни курраи заминга тез танитадиган восита. Бинобарин, спортга қаратилган эътибор ўз навбатида миллатга нисбатан эътиборни билдиради.

Бокс — шунчаки оддий муштлашув эмас. Бокс одамзотнинг жисмоний ҳамда руҳий тайёргарлигини билдирадиган ғаройиб санъат туридир. Айтишларича, Шайх Нажмиддин Куброга ўхшаб кўплаб мутафаккир боболаримиз қўл жангининг кўплаб усулларини мукаммал ўрганган эканлар. Бу тарихий факт — қартайган чоғларида жангга чиққан Кубро ҳазратлари бир хамлада ўн-ўн беш нафар рақибини улоқтириб ташлаган. Сўнгги нафасида ҳам душман туғини ушлаб, қўйиб юбормаган. Худди шу далилнинг ўзи жисмоний ва руҳий камолот инсонни нақадар кучли қилишини исботлайди.

Аслини олганда, ҳаётнинг ўзи бир кураш майдони. Хилма-хил истаклар ўзаро курашга тушади. Гоҳида ўзинг билан ўзинг курашасан. Алалхусус, турмуш деганлари эртаклардагидай силлиқ кечмайди. Фақат матонат эгаларигина пировардида мақсадларига эришадилар. Бу йўлда жисмоний кучнинг, руҳий кучнинг муҳим ўрни бор, албатта. Бинобарин, санъат ҳам, спорт ҳам шунчаки эрмак ҳисобланмайди. Инсон хушсуврат бўлса, жисмонан, руҳан комиллик сари интилса, унинг оилада, жамиятда нуфузи беқиёслик касб этади.

Биз Алпомишлар авлодиданмиз, дея фахрланамиз. Кейинги вақтларда дунё Руфат Рисқиев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев сингари ўзбек боксчиларини таниди, билди. Артур Григорян эса Қирол Артур, дея ном олди. Алҳол, ўзбек йигитлари жисмоний тайёргарликда жаҳоннинг ҳеч бир халқидан кам эмаслиги ўз исботини топди. Ва бокс юлдузлари издошлари етишиб чиқаётгани қувончли ҳолдир.

Айни даврда Шарқшунослик институтининг Халқаро муносабатлар факультети магистратурасида таҳсил кўраётган Жасурбек Матчонов ана ўша ворислардан бири. Йигирма уч баҳорни қаршилаётган йигитнинг келажаги порлоқ. Худо хоҳласа, олдинда уни қанчадан-қанча муваффақиятлар, юлдузли лаҳзалар кутиб турибди.


Суҳбат асносида Матёқуб ака, мақола ёзсангиз менинг фаолиятимга кўп ҳам урғу берманг, деди. Мен бу гапни, ўғлим мустақил шахс бўлсин, қабилида тушундим. Дарҳақиқат, ота ва ўғил ўз-ўзича алоҳида шахсият. Лекин, биз қаламкашларга барибир актёр оиласида боксчи камолга етаётгани қизиқ туюлади.

Матёқуб аканинг бир гапи мени ўйлантириб қўйди. Боксга бошқачароқ ёндашиш керак, дейди у. — Ўз вақтида Польша ва Венгрияда машҳур футбол жамоалари, футболчилар кўп эди. Кейинчалик эътиборсизлик, лоқайдлик туфайли бу мамлакатларда футболнинг савияси кескин пасайиб кетди. Демакки, энг муҳими — соҳага жиддий эътибор қаратилгани. Агарда бокс мактаблари доимо қўллаб-қувватлаб турилса, мамлакатимиздан ўнлаб бокс юлдузлари порлаб чиқаверади.

Тўғри гап. Бокс ҳам давлат, ҳам шахс тасарруфидаги муҳим спорт тури. Ривожланган мамлакатлар боксга миллион-миллион доллар маблағ ажратишади. Айни замонда машҳур профессионал боксчиларни ер юзида ҳамма танийди, десак муболаға бўлмас. Ҳақиқий юлдузлик боксчиларга хос. Бу эса ғоятда машаққатли йўлни босиб ўтишни тақозо қилади.

Табиийки, Жасур Матчоновни Осиё миқёсида кўпчилик мутахассису бокс ишқибозлари яхши танийди. Энди у бир ғайратига ўн ғайрат қўшмоғи даркор. Зотан, юрт ишончи, Ватан сийлови ҳар қанча унвонлардан табаррукдир. Биз Жасурбекка ҳамиша омад ёр бўлишини истаймиз. Унинг издошлари кўпаяверсин. Зотан, бугунги кунда боксга мамлакатимизда эътибор ниҳоятда кучли. Ана ўша эътиборга самарали меҳнат билан жавоб қайтармоқ лозим.

Ҳасанбой ТЕШАБОЕВ,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи аспиранти



Баҳринисо ОТАБОЕВА

* * *

Бу не мушкулотдир, ҳаёт бир чўққи,
Қуёш нурин яна сочаверади.
Сизни ўйласам гар кўзларим порлаб,
Хаёллар кўкларни қучаверади.

Не ажаб, теграмда бўлса қиёмат,
Гар жисмим бўлиниб кетса, аломат.
Кўнглим тирнаса ҳам танъа маломат,
Исмингиз тилимдан учаверади.

Бу не мушкулотдир...

* * *

Умрнинг ҳам чегараси бор,
Вақт — тулпор елаверади.
Билмам, сизда қандайин сир бор,
Сизни кўргим келаверади.

Юрагимда бир нозик туйғу,
Кечалари бермайди уйқу,
Лолман, қандай илоҳий ҳис — у,
Сизни кўргим келаверади.

Кўнглимда бир ечилмас тугун,
Ё раб, кўнгил нимага тутқун.
Вужудимда порлаган учқун,
Сизни кўргим келаверади.


ТЎРТЛИК

Ёр, иста, умрингнинг фидоси бўлай,
Юрагинг торининг садоси бўлай.
Ишқим юрагинга сиғмаса агар,
Муҳаббат оламин гадоси бўлай.

Қувайт пул бирлиги
Хема ... (актриса)
Кучли ёмғир
Лакшман акаси
Ноз ..., ишва
Саноқ сон
Абстракт
Кичик жамият
Миллат (Европа)
Катта қоп
Аренда
Жаннат ... оёғи остидадир
... -жимида
... донаю дона (қўшиқ)
Олим аёл
Тўда, пода
Кир ювиш воситаси
Маҳатма ...
... Грозний
Отелло душмани
Изоҳ
Киному-кофот
Радио-актив модда
... Патель (актриса)
...-фан
Печать
Қуёш илоҳи
...-сотди
Аллюмин эшик-ром
Уста асбоби
Гам
... Искандарова (хонанда)
Табиий олов
Суюқлик ўлчови
Узун ... ичи ковак
Салом жавоби
Мусиқа ёзуви
Арслон
Шурик-нинг ёри
...-чўнқир
Бир хил, ўхшаш
Танлаб олинган
... Ривз (актёр)
Жин
Жуда, роса
"Қамиш чолғу"
...ю ёлғиз, бир ўзи
Экин ариғи
Химия
... Капур (актёр)
Зирҳли машина
Салқин ичимлик
Қайсар
Билан
Модалар шаҳри
Шеърият лирика
Тикиш қуроли
Туман, дарё, таом
... бизни ташлаб кетади (қўшиқ)
Сабаб
Катталаш-тирувчи шиша
Ёстиқ (шева)
Бир йигитга қирқ ... оз
Дона
Чипор
Кичик ҳаж
Ошиқ, мафтун
Уят, шармандалик
Туман (Бухоро)
Ёғ
Ўрнак
Садоқат
Улар (шеърий)
Фотиҳа
Буюк ... йўли.
Ғалаба ҳайқириғи
Якун
Бола кўнгли ...



Ўқиш ҳам, ёзиш ҳам кўнгил ройиши



Профессор Қозоқбой Йўлдошев билан суҳбат

— Қозоқбой ака, агар эсласангиз, ўтган асрнинг 80-90 йилларида бирор ёзувчининг қисса ёки романи ёруғлик юзини кўрса, шов-шувларга сабабчи бўлар эди. Гоҳида баҳс-мунозаралар гулхани баланд кўтариларди. Дейлик, Озод Шарафиддинов билан Иброҳим Раҳимнинг «ЎзАС»даги мунозаралари ҳануз ёдда бор. Фикр айтишга кенг имкон яратилган бугунги кунда нима учун «сокинлик» ҳукм сурмоқда? Айниқса, наср танқидчилиги жабҳасида. Олим сифатида бу ҳолни қандай изоҳлайсиз?

— Эсимда, XX асрнинг 70-80 йилларида бу хилдаги шов-шувли баҳслар тез-тез бўлиб турарди. Чунки халқимиз учун адабиёт ҳаётдан кўра қизиқроқ ва муҳимроқ эди. Ёлғонлар билан чулғаб олингани, чин гапни айтиш мумкин бўлмагани учун ҳаётнинг ўзи бир хил ва зерикарли бўлиб, адабиёт ҳақиқатнинг дарчаси, инсонга тоза ҳаво келадиган бирдан бир туйнук ҳисобланарди. Жамият танасидаги қон элтадиган барча томирлар адабиётга бориб туташгани «адабиёт марказдир» (литературоцентризм) ҳолатини юзага келтирди. Адабиёт у вақтларда фақат адабиётгина бўлиб қолмай, сиёсат ҳам, жасорат ҳам, миллий қиёфани асраб қоладиган қўрғон ҳам, ҳақиқатни айтиш имконияти ҳам эди. Бинобарин, жамиятнинг ўйлайдиган қисми адабиёт жабҳасида нима рўй бераётганига бефарқ бўлолмасди. Адабиёт билан профессионал даражада шуғулланадиган кишилар-ку доим қандай янгилик рўй беришини ва у тўғрида кечикмай фикр айтишга шай бўлиб, соқ туришарди. Бунинг устига, билдирилган фикр муаллифга туппа-тузук қалам ҳақи ҳам, шуҳрат ҳам келтирарди. Ҳозир мақола ёзган одам қанча вақт, куч, билим сарфлаб, ҳеч бўлмаса, молиявий жиҳатдан сарфлаганларини ҳам қайтариб ололмайди.

80-йилларнинг охиридан бошлаб, ҳаётнинг ўзи қизиқарли бўлиб қолди. Одамлар энди ҳақиқатни адабиётдан эмас, ҳаётнинг ўзидан, тезкор матбуотдан оладиган бўлишди. Адабиёт чинакамига кўнгил ишига айланди. Шу боис энди ёзиш ҳам, ўқиш ҳам кўнгилнинг ройишига қараб бўлади. Бу соғлом ҳолатга кўникиш керак.

Яна бир гап ҳам борки, ижодкор одам ҳамиша оқимга қарши боришни ёқтиради. Эҳтимол, шу боис гап айтиш хатарли бўлган замонларда матбуотга талпинган танқидчилик, ҳамма нарсани айтиш мумкин бўлганда бир қадар эринчоқлик қилаётгандир...

— Сиз «Тилсим салтанати», «Жазирамадаги одамлар» романларига сўнгсўз битдингиз. «Жазирамадаги одамлар» романини янги эстетик ҳодиса сифатида баҳоладингиз. Бу сўнгсўзга профессор Норбой Худойберганов эътироз ҳам билдирди. Ана ўша далил наср танқидчилигининг икки авлоди орасида зиддият пайдо бўлганини билдирмайдими? Масалани янада очиқроқ қўйсак: адабиёт ўзгараяпти-ю адабий танқидчилик эски ҳолича турибди. Янгича мезонлар даври келмадимикан?

— Жуда серқатлам савол бериб, кўнгилнинг нозик торларини чертиб қўйдингиз-да, Баҳромбой! Гап шундаки, мен танқидчиликнинг асосий миссиясини миллий адабиётдаги сара ҳодисаларнинг моҳиятини очиш,

ўқирманларга уларнинг завқ берадиган, диққатни тортадиган жиҳатлари нимада эканини кўрсатиб беришдан иборат деб биламан. «Танқид сараламоқдир», — дейилганда миллий адабий ҳосилни сарак ва пучак каби икки хирмонга ажратиб бериш эмас, балки сара асарларнинг саралиги, пучак битикларнинг пучаклиги нимада эканини илмий асослаш кўзда тутилган деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам чоп этилса, зарар келтирмайдиган ҳар қандай асар ўқувчига имкон қадар яқинлаштирилиши зарур. Яхши кўрмоқ ва яқинлашмоқ учун билмоқ керак. Билиш учун ўқиш ва ундаги жозибали ўринлардан завқланиш лозим бўлади. Китобларга битилган бош ёки сўнгсўзлар битикнинг моҳиятини англаш ва бошқаларга ҳам англатиш йўлларидир. Шунинг учун ҳар бир янги китоб бирор мутахассиснинг сўзи билан чиққани маъқул деб ҳисоблайман. Ўнга яқин китобга сўз ёзганимнинг сабаби шу. Негадир бу баъзиларга хуш келмайди. Лекин начора, ҳаммага ёқиб бўлмайди!

Норбой акани мен жасоратли танқидчи сифатида биламан. У кишининг ўзи маъқул деб ҳисоблаган фикрни ортиқча истиҳолага бориб ўтирмай айта олишига тан бераман. Шу маънода «Жазирамадаги одамлар»га мен битган сўнгсўз ёқмаган экан, ўз одатига кўра, боплаб «урибди». Бунга нима ҳам дердим...

Фақат гап шундаки, Луқмон Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» романи миллий эстетик тафаккурдаги жиддий янгиланишлардан намуна, миллат маънавиятидаги нозик қирраларни ўзига хос концептуал назар билан бадиятга айлантира олган кучли асардир. Агар Норбой ака ҳам романни ўқиб чиққанида, эҳтимол, мен билан баҳслашиб ўтирмаган бўларди.

Ўзбек танқидчилигидаги икки авлод ҳақидаги фикрингиз муносабати билан айтишим керакки, бизда тамомила икки хил фикрлайдиган авлод шаклланмаган. Тўғри, адабиётшуносликда икки хиллик бор, лекин улар авлодлар ўртасида эмас, балки кўпроқ шахслар, қарашлар ўртасида. Шундай оқсоқоллар борки, айрим ёшларга қараганда янгичароқ фикрлайди, битганларидан ўтган асрнинг иси келиб турадиган ёшлар ҳам анчагина. Ўзбек адабиётшунослари олдида бирор илмий анжуманга йиғилиб, қарашларни очиқчасига бир-бирининг назаридан ўтказиб олишга улкан эҳтиёж бор. Қани эди адабиёттанувчиларнинг бошини қўшадиган бир мард топилса... Акс ҳолда, ким устамон ва йўлини топгич бўлса, ўшанинг фикри ўтиб кетаверади.

Ўзбек илмидаги яна бир иллат шундаки, айрим олимлар учун ҳақиқатнинг ўзи эмас, балки унинг ким томонидан айтилгани муҳим. Бизда устози ёки ўзи қачондир айтган фикрдан қайтмасликни мартаба биладиган олимлар бор. Ҳолбуки, илмдаги ўжарликдан хавфли нарса йўқ. Маиший ўжарликнинг зарари бир одам, нари борса, бир оилага тегиши мумкин. Илмдаги ўжарликнинг кароҳати эса бутун миллатга, унинг тараққиётига тегади. Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби истеъдодлар оқланиб, гуноҳсизлиги расман айтилганидан кейин ҳам ўнлаб йиллар давомида асарлари чиқмаслигига фақат «деганим — деган» дейдиган олимлар сабабчи бўлишди. Ҳалига қадар ҳам сал бошқачароқ йўсинда фикрлайдиган одамни ёв деб қабул қилиш, унга ўзи қолиб, шогирдлардан иборат лашкарни ҳам тезлаб қўйиш давом этяпти ва бу санъат даражасига кўтарилган. Янгича қарашларнинг тез ва кенг ёйилиши қийин кечаётгани, эҳтимол, шундандир. Яна бир иллатни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, бизда бировнинг фикрини инкор этгиси келган одамки бор, ўзини мустақиллик ва миллат маънавиятининг ягона ҳимоячиси деб даъво қилади, халқ номидан гапиради. Ҳолбуки, миллат номидан фақат давлатнинг бошлиғигина гапиришга ҳақлидир. Ҳар қандай бошқа арбоб, олим ёки адиб фақат ўз фикрининг ифодачиси бўлиши мумкин, холос.

Чиндан ҳам мезонларни янгилаш пайти келиб, ўтиб ҳам кетяпти. Бундан ўн беш-йигирма йиллар олдин адабий танқидчи эстетик қози эди дейиш мумкин. Бирор бадиий асарнинг яхши ёки ёмонлигини танқидчи ҳал қилиб берарди. Танқидчи "урган" асар — ёмон, у мақтаган битик — яхши деган тўхтам қарор топган эди. Жамиятда оломонлик психологияси устуворлик қилса, шундай бўлади. Товуши қаттиқроқ чиқадиган одамнинг хулосаси кўпинча умумнинг қараши сифатида қабул этиларди. Негадир омма янглишмайди, у фақат тўғри фикрлайди деб ҳисобланиларди. Чиқарилган хулосалар шахсий мулоҳаза тарзида эмас, балки ташкилий-маъмурий чоралар кўришга мафкуравий-эстетик асос мақомида бўларди. Бугунги кунда, худога шукур, миллат аҳли индивидуаллашиб боряпти. Миллат шахслашганда ҳар битта одамнинг ўз дунёқараши, ўз хоҳиш-истаги, ахлоқий мезони, ўз диди пайдо бўлади ва ҳар кимнинг ички танқидчиси ҳам юзага келади. Оломонни ташкил этган одам ичкаридан ташқарига интилиб, бошқаларга қараб, атрофдагиларга эргашиб яшайди. Шахс эса назарини кўпроқ ичкарига, ўзига қаратади. Ўзини тафтиш қиладиган, шахсий фикрига эга одам танқидчи хулосасини: «Ҳақиқат мана шу!» — дея унга эргашиб кетавермайди.

Кечагина машҳур танқидчиларнинг гапи жуда кўп ўқувчилар учун олий ҳақиқат мақомидаги фикр бўлса, бугун ундай эмас. Ўзини тафтиш қилаётган шахс ўзига маъқул асарнинг маъқуллиги, ёқинқирамаган битикнинг ёқмаслиги сабаблари бўйича ўз фикрига эга бўлади. Одам шахс сифатида чуқурлашса, унга ташқарининг ҳукму хулосалари таъсири кучсизланади. Бугун миллат шу босқичга кирди ва бундан хурсанд бўлмоқ керак. Шундай вақтда танқиднинг биринчи ўринда турмаслиги, илгаригидай устувор мартабага эришолмаслиги табиий.

Эътибор қилган бўлсангиз, ҳозирги танқидчилар ёмон асарларга ҳам илгаригидай калтак кўтариб ташланишмаяпти. Бугунги танқидчилик талантсиз ёзувчини «уриб» талантли қилиб бўлмаслигини билади. Яқингача ҳам адабий танқидчига санитар деб қараш расм эди. Яъни бўри ўрмондаги майиб-мажруҳ жонликларни еб, гўё қолган ҳайвонларнинг соғлигини таъ-

минлагани сингари, танқидчи ҳам истеъдодсиз ёзувчиларни қийратиб, адабиётнинг соғломлигини таъминлайди деб қараларди. Талантсиз ёзувчини дунёдаги энг кучли танқидчи ҳам талантли қилолмайди. Холиқ бермаганга махлуқ қандай юқтиради, ахир? Боз устига, талантсиз одамни ўзининг талантсизлигига ишонтира оладиган талант эгаси ҳалигача ҳеч кимга учрагани йўқ. Талантсиз ижодкордай "талантли" одам бўлмайди. У икки дунёда ҳам ўзининг талантсизлигини тан олмайди. Шу боис танқидчи «урадими», йўқми, у барибир ёзаверади. Эндиликда ўзини ҳурмат қилган танқидчи яхши асарнинг яхшилиги нимада эканини кўрсатишга уриниши, ёмон асарни яхши, истеъдодсиз ёзувчини истеъдодли демаслиги керак.

— Аввалари расмий доиралар гоҳ очиқ, гоҳ истак шаклида ёзувчиларга буюртмалар берганлигини биламиз. Ҳозир адабиёт билан сиёсатнинг қарийб иши йўқ. Аммо, шундай бўлса-да, эскичасига айтганда, қалб амри билан ғоятда долзарб мавзу — ўтиш даври азоб-уқубатлари, эврилишлари қаламга олинмоқда. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор», Аббос Саиднинг «Кўчада қолган одамлар», Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романлари айни шу мавзуда ёзилган асарлардир. Лекин бу романлар ҳар тарафлама таҳлилга тортилгани йўқ. Масалан, «Бозор» романини ярмигача ўқисангиз, адиб мақсади ойдинлашади. Бу романда, айтиш мумкинки, схематизм бор. «Кўчада қолган одамлар» романининг ниҳояси ишонарсиз чиққандек, назаримда. Дейлик, ўта ҳийлакор Покизанинг оддийгина сабаб билан «кўчада қолган»ига одам ишонмайди. Бу тоифадагилар кўчада қолмайди, балки кўчада қолдиради. Шундай эмасми?

— Ўзини билган жамият ҳамма замонларда ҳам адабиёт билан алоқани яхши қилишга интилади. Негаки, бадиий адабиёт кўпчиликда нуқтаи назар ҳосил қилади. Сиёсат эса, ҳаракат энергиясига айланган нуқтаи назардир. Лекин бадийяти юксак асарлар ҳамиша ҳам Сиз «эскичасига айтган»дай фақат қалб амри билан яратилади.

Сезишимча, Сиз фақат ўзингиз тилга олган уч ижодкорнинг романлари тўғрисида эмас, балки миллий насримиздаги янгиликларга адабий танқидчиликнинг тезкор муносабати сезилмаётгани сабабини сўраётирсиз. Аввало, Сиз айтган романларга келсак, шуни алоҳида таъкидлашим керакки, ҳар уч муаллиф ҳам ғоят ўқимишли, адабиётнинг амалиётинигина эмас, назариясини ҳам пухта биладиган олим адиблар. Маълумки, олим қонуният билан иш кўришга мойил бўлади. Чинакам бадиий ижод эса, менинг назаримда, айнан қонуниятнинг бузилишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам «Бозор» романининг айрим ўринларида схемага ўхшашроқ ҳолат юзага келган бўлиши мумкин. Чунки Хуршид асарнинг ҳар бир унсурини сабаб-оқибат нуқтаи назаридан ўзаро боғлашга, персонажларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати ички мантиққа эга бўлишига интилган. Ҳаёт эса, кўпинча мантиққа сиғмайди. Аббос Саиднинг одам ва одамлараро муносабатларга янгича назар билан қараш натижаси бўлмиш романида, менимча, муҳимни номуҳимни ажратмаслик қусури кўзга ташланадики, бу ҳол ўз-ўзидан кўпсўзликка олиб келади. Бу асарда жуда таъсирли ҳамда теран чиққан тасвирлар анча кўп, аммо улар унчалик ҳам керак бўлмаган сўзлар уюми панасида қолиб кетган. «Мувозанат» шавқ билан ёзилган, завқ билан ўқилади, бадиий юки ҳам анча салмоқли, лекин публицистикага тортиб кетган, ўткир гап айтишга атай уринилган ўринлари бор. Бу асарларга адабиёттанувчилик ўз муносабатини билдирди. Махсус мақолалар ёзилди, диссертацияларда тадқиқ этилди. Айниқса, «Бозор» билан «Мувозанат» ҳақида кўп гапирилди. Лекин олдин ҳам айтганимдек, сўнгги гапни айтиш ҳуқуқи ўқувчининг ўзида қолди.



Шуни таъкидлагим келадики, ўзбек адабиётида ўтиш даври ҳақида ёзмаган бирорта ҳам ижодкор йўқ. Ҳатто, тарихий мавзуда қалам тебратаётган адиб ҳам, аслида, бугунни ёзади. О.Ёқубовнинг «Осий банда», Ш.Холмирзаевнинг «Динозавр» асарларидан ташқари ҳам О. Мухтор, А. Йўлдошев, Зулфия Қуролбой қизи, Ж.Эргашева, С.Вафо, Л.Бўрихон каби адиблар қаламига мансуб насрий асарлар ўтиш даври мураккабликлари ва шу қийинчиликлардан ўтиб бораётган миллатдошларимиз ҳақида битилган.

Ўрни келиб қолди айтайин, бир қатор синчиларимиз бундан ўн йил олдингига қараганда билимдонлик билан теранроқ ёзишаётир, бадиий матнга сиёсат ва мафкура талаби билан ёндашишдан тамомила қутулинди. Танқидий чиқишларнинг илгаригидай "ярқ" этиб кўзга ташланмаётганига ҳозир нашрларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб, куч-

лар бўлиниб кетганлиги ҳам ўзига хос сабаб деб ўйлайман. Илгари «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Ўзбек тили ва адабиёти» деган учтагина адабий журнал бўларди. Истаган одам шу учовини ўқиса, адабиёт оламида нималар кечаётганидан тўла хабардор бўларди. Биттагина "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бор эди. Ва барча куч мана шу нашрлар атрофига тўпланганди. Ҳозир беш юздан ортиқ журнал, мингга яқин газета бор. Қайси асар ҳақида ким нима ёзганини тўлиқ билиш асло мумкин эмас. Кучлар бўлиниб кетган.

Айримлар баъзан: «Яхши ёзувчилар ҳозир ҳам борми?» — деб сўраб қолишади. Шу муҳитда юрган одам биладики, яхши-ю ёмон ёзувчилар илгаригидан кўп бўлса кўпки, кам эмас. Фақат ҳозир обҳаво яратиш олдингидай осон бўлмаяпти. Чунки ижодкорларнинг кучлари ҳам, танқидчиларники каби бўлиниб кетган. Эҳтимол, шундай бўлиши керакдир ҳам. Фақат «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» сингари адабий журналлар илгариги мавқеларини тиклаб, ҳар ойда чиқадиган бўлишини, уларнинг сони йигирма-ўттиз мингларга етишини, ёзувчи ва шоирлар, танқидчилар, асосан, шу нашрлар атрофига йиғилишини орзу қиламан. Шунда танқидчиларимизнинг имкониятлари тўла юзага чиқади. Яна бир жиҳатни ҳам айтиш керакки, синчилар орасида ҳозир табақаланиш, эврилиш жараёни кетяпти. Чунки бадиий асар ҳақида кечагидай ёзиб бўлмаслигини ҳамма танқидчи билади, лекин бугунги талаблар даражасида ёзишни ҳамма ҳам уддалай олмаяпти. Аммо аниқ ишонч билан айта оламанки, танқидчиликнинг бугунги ўртача савияси бундан ўн-ўн беш йил олдингидан анча баланд.

— Европада асарнинг, айниқса, насрий асарнинг тилига, бетакрор характер яратиш усулларига диққат-эътибор қаратилади. Дейлик, Жойс усул билан Европани ҳайратга солган. Бизда эса, аксинча, то ҳануз насрий асар мазмунига қараб баҳо берилади. Шу боисдан ҳам «Гўзаллик қирралари», «Жажман», «Шарпа», «Тош» ҳикояларининг адабиётимиздаги ўрни аниқ белгиланмади. Бизда қачон янгича тамойиллар жорий этилиши мумкин?

— Нафақат Европада, балки ҳамма замонлар ва ҳамма маконларда бадиий асарнинг ифода йўсини бирламчи ўринда турган ва шундай бўлиши керак ҳам. Фақат жамият ҳаёти мафкура асосида йўлга қўйилган аномал шароитлардагина мавзу олдинга чиқиши мумкин. Ҳазрати Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонининг «Сўз таърифида» бобида: ***«Сўз аро ялғон киби йўқ нописанд, Айлар анинг назмини доно писанд»***, — дейилган. Унда улуғ мутафаккир ифоданинг жозибаси туфайли сўзнинг энг ёмони бўлмиш ёлғон доноликка дўнишини акс эттирган. Ёхуд шакл мукаммал бўлмаса, мазмун қийматсиз бўлишини образли қилиб: ***«Ўрнида тишлар дури манзум эрур, Чун сочилур қиймати маълум эрур»***, — деганларида ҳам нимани айтишдан кўра қандай айтишнинг муҳимлигини назарда тутганлар. Чинакам адабиёт ҳамиша жозибали ва нозик ифодадир. Шунинг учун ҳам Орол, пахта яккаҳокимлиги, тил мустақиллиги, сиёсий истиқлол ҳақида бир пайтлар ҳамманинг оғзида бўлган не-не оташин битиклар бугун ҳеч кимнинг эсида қолмади. Асл адабиёт эса ўқилаверади.

Сиз айтган ҳикояларнинг «адабиётимиздаги ўрни белгиланма»ганига келсак, бу қараш менга салгина бирёқламароқдай туюлди. Негаки, «Жажман» ҳақида жуда кўп ёзилди. Шунчалар кўп ёзилдики, жажман ҳикоядан романга ҳам кўчиб ўтди. «Гўзаллик қирралари» ҳақида ҳам айрим мутахассислар, жумладан, ўзим ҳам фикр билдирганман. Гап шундаки, олдин айтиб ўтганимдек, энди танқидчи бирор асарнинг **«адабиётимиздаги ўрнини аниқ белгилаб»** беролмайди. Чунки ҳозирги адабиёт маъмурий идорадан ўқирманнинг кўнглига кўчган. Бинобарин, у ёки бу битикнинг қандай ўринда туриши энди фақат ўқувчига боғлиқ. Лекин бу ҳол бадиий асар ҳақида фикр айтиш эҳтиёжи қолмаганини билдирмайди. Аксинча, чин бадиий асар ўқувчининг қалбидан жой олиши учун курашиш синчиларнинг маънавий бурчига айланганини англатади. Лекин Сизнинг хавотирланишингизда ҳам жон бор. Чиндан ҳам биз ҳали бадиий яратиққа соф санъат сифатида, кўнгил жилвалари ўйини тарзида қарашга ўрганганимиз ҳам йўқ, бунга тайёр ҳам эмасмиз. Айни вақтда шеъриятдаги айрим шундай ҳодисалар тузуккина таҳлил этилганини таъкидлашни ҳам истардим.

— Дунё миқёсига назмдан кўра наср жабҳасида чиқиш осонроқ. Негаки, шеърни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг имкони йўқ. Туркийлар адабиёти бўйича Ч.Айтматов дунёга танилди. Ўрхон Помуқ Нобел мукофоти билан тақдирланди. Бизнинг ёзувчиларни қачон дунё танийди? Дарвоқе, Помуқ ижодига муносабат билдирсангиз.

— Бирор миллий адабиётнинг дунёга танилиши масаласига мен сал бошқачароқ қарайман. Биз Эдгар По, Уитмен, Хемингуэй, Лондон каби адибларни америкалик бўлгани ёки инглиз тилида ёзганлиги учун эмас, балки уларнинг битганларида ўзимизга керакли нимадир бор эканлиги учун ўқиймиз. Ўзбекчада ўқилаётганларидан улар эмас, балки ўқиётганимиздан биз манфаат кўраётирмиз. Агар дунё ўзбек адабиётидай улкан бир ҳодисани танимаётган, ундаги тенгсиз намуналарни ўқигиси келмаётган экан, ўзига қийин. Мумтозларни қўя туриб, Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, О.Ёқубов, Ш.Холмирзаев, Т.Пўлатов, Тоғай Мурод каби йирик ўзбек ёзувчиларисиз яхши яшаётган дунёга ўзимизни тиқиштиришнинг кераги бормикин?

Дунёга танилган яхши. Танилгимиз келади ҳам. Лекин бунинг учун дунёга чиқиб, у билан тенгма-тенг гаплашиб кўриш керак. Дунёнинг эси бор. Танишгиси келса, ўзи излаб топади. Аммо зинҳор азбаройи оламга танилиш учун

адабиётни солмаслик керак. Дунё бизга аборигенларга қарагандай, ажабланиб қарашини асло истамасдим. Дунёга чиқаман деб дунёга кулги бўлишдан сақланиш керак.

Ўрхон Помуқнинг Нобел мукофоти олганлиги туркий адабиёт учун улкан қувончдир. Мен бу адибнинг бир-икки асаринигина ўқиганман, холос. Сийлиқ берилган битиги билан таниш эмасман. Аммо ўқиганларимнинг ўзиёқ реалликни персонофикация, тафсилотни мистика билан ажиб бир йўсинда уйғунлаштира оладиган бу ёзувчининг улкан истеъдодидан далолат берарди. Менимча, Ўрхон Помуқ ижодининг бош хусусияти унинг тасвирда фақат ўзига хос йўлдан борганлиги, ҳеч кимни такрорламаганидадир. Помуқ «Нуқта» журналида 1980 йилда: ***«Жуда кўп ўйлаб шу фикрга келдимки, эси жойида бўлган ёзувчининг модерн бўламан деган дарди йўқ. Ёзувчилар қилинмаган бир ишни қилишни истайдилар, холос. Менинг модерн ёки ультра модерн бўлиш касалим йўқ. Ёзувчи классик роман, постмодерн роман нима, булар қайси категорияга киради деб ўйлаб ўтирмайди. Масалан мен учун романнинг модерн бўлиш-бўлмаслиги мутлақо аҳамиятсиздир»***, — деб ёзган эди. Унинг: ***«...ўзинг бўлишнинг биргина йўли ўзга бўлиш, бошқанинг тарихида улоқиб юришдир»***, — деган қаноатида ҳам тафаккурнинг салмоғи сезилиб турибди.

Энди унинг атрофидаги паст-баланд гапларга келсак, мевали оғочга тош отувчилар ҳамиша топилади. Ўтган аср бошидаги арман-турк тўқнашуви тўғрисида арманиларнинг ўзлари жуда кўп ёзишган. Салкам бир аср мобайнида бу ҳақда ўнлаб асарлар яратилгандир. Аммо уларнинг бирортаси мукофотланиш у ёқда турсин, бошқа тилларга таржима ҳам қилингани йўқ. Помуқ эса, йигирма йилдан бери дунё миқёсида юрган улкан бадиий ҳодиса. Бинобарин, дунёни тан олдирган талантга эҳтиром кўрсатиш керак.

Б. Рўзимуҳаммад суҳбатлашди.

Куз. Ҳаво совий бошлаган палла. Ялангликда кўтарилган тўзондан кўз очиб бўлмасди. Шунинг учун қош қораймасдан қўйларни қўрага ҳайдаб келишга тўғри келди. Кутилмаганда яқин атрофдан эшитилган ўкирикдан итлар ҳура бошлади. Чўпонлар ҳориб-чарчаб келганларига қарамай, шошганларича қўлларига паншаха, таёқ ва белкурак олиб ҳовлига чиқишди. Чамаси ўн-ўн икки одим нарида ғалати махлуқ чўнқайиб ўтирар, гоҳо ётиб олиб ғингшир ва оёқларини яларди.

— Шошмай туринглар-чи, — деди кичик фермер хўжалиги мудири Раҳим амаки ҳовуридан тушгач. — Айиқнинг безовталанаётганига қараганда бир гап борга ўхшайди.

Шунда баҳор кезлари қир-адирда қўй боқиб юриб бир тўда айиқни кўргани беихтиёр ёдига тушди. Улар тоғ тепасидаги харсангтошлар оралиғини макон қилиб олишган бўлсалар-да, қўйларга ҳеч зиён етказишмаган эди.

— Хўш, қўшни, нима ёрдам керак бўлиб қолди? — сўради фермер мулойимлик билан. — Ҳозир вақт тиғиз. Яхшиси, эртага кела қол.

Фермер орқасига бурилгач, қўнғир тусли айиқ худди унинг гапларига тушунгандай мунғайиб, оқсоқланганича йироқлашди.

Тонгда қўрада юмушлар билан куйманиб юрган фермер итларнинг вовуллашидан ҳушёр тортди, девқомат айиққа кўзи тушди. Эҳтиёт шарт деб тунда ўқлоғлик қўшотар, пичоқ ва заранг таёқларни ҳозирлаб қўйганлигидан кўнгли бироз таскин топди. Айиқ чамаси тўрт-беш одим нарида турарди. Раҳим амаки шу вақтгача жониворни яқиндан туриб кўрмаганлигидан саросималаниб қолди. “Айиқ жонивор яраланган кўринади, — хаёлидан ўтказди у. — Кеча кечқурун бекорга келмаган экан”.



СИРТЛОН

Бир пасда кўнглидаги ҳадик ва ҳавотир ўрнини хотиржамлик эгаллай бошлади.

— Қани, бери кел-чи, — деди у худди эски танишлардек.

Айиқ эса кўзларини ҳамон мўлтиратиб турар, олд ўнг оёғини тез-тез ялаб қўярди. Фермер эса ҳаялламай унинг шишиб, йиринглай бошлаган панжалари орасини кўздан кечираркан, дарахт пайрахаси борлигини илғади ва қисқич ёрдамида суғириб ташлади. Кейин қора дори (крамен) суркаб, боғлаб қўйди. Шундан сўнг жонивор секин-аста тепалик томон ўрлаб кетди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, қўрадан узоқ бўлмаган Осмонсой яйловидаги шувоқзорларда қўй боқиб юриб, айиққа тўртинчи маротаба дуч келди. У шоша-пиша итларни қўйлар олдида қолдириб, тепаликда қараб турган "таниши"нинг олдига ўрлай бошлади. Яқинлашгач, жониворнинг боши ва елкаларини силаркан, оёғидаги увадаси чиқиб кетган эски латталарни ечиб ташлади.

— Бор энди, йўлингдан қолма, айиқ полвон, — деди унинг елкасига шапатилаб ва ортидан тикилганича қараб қолди...

Эл қўнмай, ит тинмайди. Раҳим амакининг кўзига энди уйқу илинганида Олапар ит жон-жаҳди билан ҳура бошлади. Хаял ўтмасдан дераза орқасида ниманингдир "тап" этиб ерга тушгани эшитилди. Фермер ҳовлига чиққанда бир совлиқ ичини уриб энтикиб турар, таниш қўнғир айиқ эса танасига номуносиб тезлик билан бурилиб кетиб борарди. Бегона совлиқни сурувга қўшиб қўйишди. "Арзимас яхшилик ҳам ерда қолмас эканда", — ўйлади шунда фермер.

Орадан кўп ўтмай қўшни отардан келган икки чўпон бундан хабар топиб келишди.

— Сизларники бўлса, узр, — деди фермер улар олдида хижолат бўлиб. — Ҳозироқ олиб кетишларинг мумкин. Лекин буни яқин атрофдаги қўнғир айиқ сезиб қолмасин. Акс ҳолда, оқибати ёмон бўлади.

Фермер уларга рост гапни айтган эди. Лекин чўпонлар тушундими-тушунмадими, қўйни олиб кетишга аҳд қилишди.

Осмонўпар баланд Бахмалтоғ этакларида қиш илиқ бўлганидан Ортиқ амаки бошлиқ қўшни отар қўйчивонлари ой ёруғида қўйларни оқшомлари шувоқзор ва юлғунзорларга бошларди. Бир пайт ғалати махлуқ икки оёқда типпатик юриб келиб, худди чўпон каби таёқ ушлаганича қўйларни оралай бошлади. Ора-орада хуштак чалиб қўярди. Итлар пана-панага жимиб кетишганди. Йиртқич чўпонларнинг "ҳай-ҳай"лашига қулоқ солмасдан бир қўйни ўмарганича келган томонига равона бўлди. Кейин ҳам бундай нохушликлар такрорланиб турди. Бош чўпон хуноб бўлганидан анча кун қўли ишга бормай юрди. Ўйлай-ўйлай семиз бир совлиқ эвазига чекка қишлоқда яшовчи бир танишидан гавдаси сал кам ғунажиндай келадиган сиртлон итни етаклаб олиб келди.

Ордан кўп ўтмай айиқ яна қўйлар атрофида пайдо бўлди. Сиртлон унга бир қараб қўйди-ю, ўрнидан қўзғалиш у ёқда турсин, ақалли ҳурмади. "Бунинг ҳам юраги дов бермади, — ўйлади бош чўпон қаҳрланиб. — Девдек айиққа бас келолмаслигига кўзи етди, шекилли".

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Йиртқич бамайлихотир қўйлар ичига оралаб, ўлжа билан ортига қайта бошлади. Итнинг индамаси ёмон экан. Шу орада сиртлон кўринмай қолди. Йиртқичнинг ўйи — ёмонлик, қўйнинг ўйи — омонлик. Агар совлиқ тепалик ортидан маъраганича қўйлар ичига ўзини урмаганида чўпонлар ҳеч нимадан хабарсиз қолар эдилар. Шунда улар бирин-кетин тепалик ортига чопиб кетишди. Афтидан, сиртлон жарнинг тор жойидан ўтаётган девқомат айиққа етиб олиб қўққисдан ташланган. Йиртқич жар ичига қулаб тушиб, совлиқ омон қолган.

Чўпонлар терак бўйи келадиган чуқурликдаги жар ёқасига етиб келишганида тонг ҳам ёришиб қолганди. Махлуқнинг жон таслим қилганидан улар қанча суюнишса, териси шилиниб, қонга беланиб ётган сиртлон итга шунча ачинишди. Сиртлоннинг елка ва умуртқалари устида йиртқичнинг ўткир тирноқ излари билиниб турарди. Вақт — ғанимат. Бир тўқли сўйилиб, думба қуйруғининг ярми итнинг жароҳатига боғлаб қўйилди. Қолган қисмини бўлак-бўлак қилиб сиртлонга ташланди. Кейинчалик сиртлон ҳеч нима кўрмагандай тамоман соғайиб кетди.

Ҳаммаси яхшилик билан тугади-ю, лекин қўшни отар чўпонлари битта совлиқни деб ўн чоғли қўйдан ажралиб қолишларини сира ўйламаган эканлар. Яна қанча тунларни бедор ўтказишмади дейсиз? Қўнғир айиқ қанча пайт ғашланиб, уларга тинчлик бермай келган. Шундагина ҳалиги икки чўпон фермернинг гапларини тўла-тўкис англаб, қаттиқ пушаймон бўлдилар.

Абдулла САИДОВ



Биз битмас-туганмас маънавий меросимиз билан юксак санъаткорлик салоҳиятига эга бўлган халқмиз. Санъатни шунчаки машҳур бўлиш учун восита қилиш бизга бегона. Бу тупроқда яшаётган ҳар бир инсон куй-қўшиқни ич-ичидан ҳис қилади, англайди.

Бугунги суҳбатдошимиз Узукжамол **ТУРСУНБОЕВА** *билан санъат, санъаткор, ижод ва машҳурлик ҳақида гаплашдик.*

"ХОНАНДАНИ ЯХШИ КЎШИҚЛАР МАШҲУР ҚИЛАДИ!"

— Болалик ўзининг ёрқин хотиралари билан қадрли. Болалигингиз ва ўзингиз туғилиб ўсган жойлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Болалик — инсон умрининг энг беғубор лаҳзалари... Бу даврда ҳар бир нарса азиз ва қадрли бўлади. Болалик армон ёки ўкинч деган туйғуларнинг кўнгилга бегоналиги билан ҳам покиза. Менинг назаримда, дунёда қора ранг йўқдек туюлади, яшашдан-да жозибали, яшашдан-да яхши нарса бўлмайди бу пайтда. Орадан йиллар ўтиб, бой берилган лаҳзаларни қўмсабми ёки тоза туйғуларни соғинибми, юрақнинг бир бурчагида кўзга кўринмас кемтиклар пайдо бўлиб бораверараркан.

Болалигимни эсласам, туғилиб ўсган жойим Қирғизистоннинг Исфана шаҳри кўчалари, ота-онам, дўстларим — кўз олдимга келади. Улуғвор тоғлар, кўркам табиат қўйнида ўсиб-улғайдим, камол топдим.

Дадам санъатсевар, санъатнинг қадрига етадиган инсон. 1971-йили севимли актрисамиз Гулчеҳра Саъдуллаева Узукжамол образини яратган "Қисмат" спектаклини кўриб, "Қиз фарзанд кўрсам, исмини Узукжамол қўяман", — деб ният қилган

эканлар. Ҳикматларни кўп биладиган меҳридарё онамнинг узундан-узун ҳикоялари-ю сеҳрли эртакларини ҳануз қўмсайман. Эсимни таниганимдан бошлаб, кўнглимда санъатга, адабиётга меҳр ўзгача эди: қўшиқ айтар, рақсга тушар, ёддан кўп шеър билар эдим... Устоз санъаткорларнинг қўшиқларини хиргойи қилиб юрардим. Эҳтимол, кўнглимдаги қўшиқ айтишга бўлган ҳавас санъат ошуфтаси бўлган дадамнинг таъсирида уйғонгандир... Биринчи синфга бориб сўровнома тўлдирганимизда: "Келажакда ким бўлмоқчисан?" — деган саволга: "Санъаткор!" — деб жавоб ёзган эдим. Ҳозир ортга қарасам, соғиниб-соғиниб эслайман, ширин бир энтикиш билан қўмсайман ўша даврларни.

— Аёл кишининг санъат йўлини танлашига кўпинча ота-оналар рўйхушлик бермайдилар. Сизга ҳам қаршиликлар бўлганми?

— Мактабни битирган йилим онам санъаткор бўлишимга қаттиқ қаршилик қилдилар. Чунки менинг шифокор бўлишимни истардилар. Онамнинг айтганини қилиб, бизга Тожикистоннинг Хўжанд шаҳри яқин бўлганлиги учун ҳужжатларимни олиб шифокор бўлиш мақсадида йўлга отландим. Бироқ айнан ўша йили биз хоҳлаб борган институтга бошқа республикалардан ҳужжат қабул қилинмаётган экан. Дадам: "Қизим, санъаткорлик ҳам яхши касб. Майли, ўзинг истаган соҳага топширақол. Ҳозирча онангга айтмай турамиз", — деб маслаҳат бердилар. Бу фикр орзуларимнинг амалга ошиши учун очилган биринчи йўл эди. Шундай қилиб дастлабки мусиқий билимни Содирхон ҳофиз номли ўқув юртида олдим. У ерни битиргач, Жўрахон Набиев бошчилигидаги "Дурдона" ансамблида фаолият олиб бордим. Кейинроқ Бобожон Ғофуров номидаги академия университетида таҳсил олдим. "Шашмақом" сирларини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилдим.

— Бугунги кунда қўшиқларга турли-туман клиплар яратилмоқда. Хонанданинг, қўшиқнинг машҳур бўлишида унинг ўрни қай даражада, деб ўйлайсиз?

— Клиплар яратиш бугунги тараққиётнинг юксалиб бораётганидан нишона. Баъзилар, клип орқали санъаткор ўзини реклама қилади, деган фикрни айтишади. Мен бу фикрга қаршиман. Фикримча, клип қўшиқда хонанда очиб беролмаган қирраларни кўрсатиб беришга хизмат қилади. Хонандани клип эмас, яхши қўшиқ машҳур қилади.

— Аёл кишининг ҳақиқий ўрни оилада, деган гап бор...

— Шарқ халқлари оилани, унинг мустаҳкамлигини қадимдан биринчи ўринга қўйиб келган. Бу удум авлоддан-авлодга ўтиб келаётган меросдир. Оила — қўрғон, дейишади. Аёл киши учун, умуман одамзот учун бу қўрғонни осойишта олиб ўтириш чексиз бахт. Турмуш ўртоғим менга оилани деб санъатдан воз кечиш талабини қўймаганлар.

— Бахтлиман, дея айта оласизми?

— Мен муваффақиятларимга осонлик билан эришмаганман. Ҳамма нарса секинлик билан келган, лекин барибир етишганман ўша нарсаларга. "Менинг бахтим бутун!" — деган одамни топиб бўлмайди. Қўшиқларимга бўлган эътибор, ўзимга билдирилган истаклар менга куч бағишлайди. Халқнинг назари, оиламнинг тинчлиги, уларнинг бахтидан қувониш — менинг энг катта бахтим.

— Айни пайтда кўнглингиздан кечаётган гаплар...

— Санъат—муқаддас даргоҳ. Бу ерга қадам қўйган ҳар бир санъаткор унга лойиқ бўлиши лозим. Мен ҳам халқимизга манзур бўладиган қўшиқлар яратишга ҳаракат қиляпман.

Юртимиздаги барча инсонларга сиҳат-саломатлик, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилайман. Санъатга бўлган муҳаббатлари боқий бўлсин!

Башорат ОТАЖОНОВА суҳбатлашди.

ПИЁЗНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Пиёз инсон танасига тез таъсир қиладиган хусусиятга эгадир.

Қадим-қадимдан тутқаноқ ва қуёнчиқ дарди тутганда ёки тасодифан ҳушдан кетган беморларга пиёзни арчиб, ҳидлатиб ҳушига келтирганлар. Пиёз ҳар қандай оғир таомни тез ҳазм қилдиради ва ошқозон иш қобилиятини яхшилайди.

Пиёз инсон танасида бўлган ҳар хил иллат, нохуш ҳидларни йўқотади. Инсон танасидаги, жигар, буйрак ва бошқа аъзолардаги қонни тозалаб, унинг равон ҳаракат қилишини таъминлайди, кишини руҳан тетик қилади.

Пиёз инсоннинг ҳар қандай мухитга мослашишига ёрдам беради. Ота-боболаримиз қадим-қадимдан бошқа шаҳарга борганда қатиққа пиёз тўғраб ичганлар ва бу амалиёт туфайли ўша шаҳарнинг иқлимига мослашганлар.

Пиёз қон босими ва қанд дардига қарши курашда ҳам яхши наф берадиган сабзавотлардан ҳисобланади. Қон босими дардига учраган беморлар қаттиқ ҳаяжонланиш ёки бошқа салбий таъсир орқали қанд дардига ҳам учраб қоладилар. Бундай дардга учраган беморлар бир килограмм пиёзни ва бир килограмм лимонни (пўчоғи билан) майдалаб, уни яхши аралаштириб, шиша банкага солиб, юзини яхшилаб беркитиб, қоронғу жойда ўртача иссиқликда 8-9 кун сақлаб, сўнг очиб, сувини сиқиб, докадан ўтказиб, ҳар куни овқатдан 40-45 минут олдин бир қошиқдан 3 маҳал истеъмол қилсалар қон босими, қанд касаллиги дардини енгиллаштиради. Агар эътиборсизликка йўл қўйилса, дард зўрайиб, кўзнинг кўриш қобилиятини ҳам йўқотиши мумкин.

Серпиёз бўлган овқат мазали ва хушхўр бўлади. Фарғона водийсида яшовчи аҳоли пиёз шўрвани кўп истеъмол қиладилар, улар бир кило гўштга 4-5 кило пиёзни тўғраб, қайнатма шўрва қайнатадилар. Бу эса шўрва истеъмол қилувчини қаттиқ терлатиб, танадаги ҳар хил иллатларни йўқотади, инсонни бардам ва руҳини мустаҳкам, тетик қилади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари аҳолиси пиёзни нон билан истеъмол қиладилар. Бу билан ўзларини ҳар хил хасталиклардан сақлайдилар. Пиёз кўз нурини яхшилайди. Кўз хиралашиб қолса, пиёзнинг сувини бурунга бир-икки томчи томизиб турилса, яхши натижа беради.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли ўсма касалликлар ва рентгенология институти илмий ходимлари текширувлари пиёзни кам истеъмол қиладиган кишиларда ўсма касаллиги нисбатан кўп учрашини кўрсатди.

Пиёз кўкидан бошлаб севиб истеъмол қилинади. Пиёз ўзида бўлган шифобахш хусусиятини баргида ва уруғида сақлайди. Пиёзнинг уруғи тиш оғриғига яхши даво бўлади. Ота-боболаримиз пиёз уруғининг тутунига оғизни тутиб, "тиш қурти"ни ва милк шишини даволаганлар, милкларини мустаҳкамлаганлар.

Бахринисо ТЎХТАСИН
қизи тайёрлади.

Чидам, бардош / Олам, дунё		Миллат (Осиё) / Об-…		"Қамиш чолғу"	… Раҳмонов (хонанда)		Чақалоқ йиғиси		Машриқ		Қойиш, насиҳат қилиш		…: Раметова (актриса)
Қайсар, феълитор							Рози		Охирати … бўлсин		Арслон буржи		От зоти
					Қалин ип						Леонардо … Винчи		
Кўк				Санъат тури		Жан Клод … дамм		Ақл … қилмайди					
Россия ф/ж		Тор (Жанубий Америка)	Тимсол					Содда, ўқимаган				Четта чиқиш қорози / Замин	
						Доир, хос				…-зийнат / .. бўлмоқ вужудга келмоқ			
	Шиша идиш		… Искандарова (хонанда)								Малак, фаришта	Чиройли кийик	Бир … билан қиш келмас
	…-Абеба (Эфиопия)	Буюм		Лотерея тури							Поклик ранги		
	Қадимги ер ўлчови / …-бади										Тасдиқ сўз		
						От "калиши"				Оғилхона идиши		Ўй, тасаввур	
Минора соати	Милиционер		Табиий олов				Пиёда		Разил	Бир …дан бош чиқарайлик!			
						Ожиз	…-кесил					Цирк майдони	Кигиз
Думалоқ		Оёғи узун қуш		Мўътабар					Касаллик белгиси		Авиа русуми		
					…-дашт		Лакшман акаси	Уч оға-… ботирлар	Балиқ уруғи				
Зигмунд … (немис файласуфи)		Чалкаш йўл									Қорамол озуқаси		
					Кимё, математика, адабиёт				Портловчи мослама				
Матал		Оз				Гуруч қурти					…-Термизий		

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

— Доктор, операция муваффақиятли ўтдими?

— Мен доктор эмасман. Мен Азроилман.

☺☺☹

— Дуруст. Қўлингизнинг суяклари яхши битибди. Эртага гипсни олиб ташлаймиз.

— Доктор, ростини айтинг, кейин мен скрипка чала оламанми?

— Ҳа, албатта. Бемалол чалаверасиз.

— Қандоқ яхши-я! Қўлим синмасдан аввал скрипка чалишни умуман билмасдим.

☺☺☹

Ёш қиз онаси билан врачнинг хузурига келибди.

— Қани, ечининг-чи!

— Доктор, мен эмас, онам бемор.

— Қани, холажон, «а-а» денг-чи.

☺☺☹

Бир одам ветеринарни мазах қилмоқчи бўлибди:

— Сиз мол дўхтиримисиз?

— Ҳа. Қаерингиз оғрияпти?

☺☺☹

Врач бемордан сўраяпти:

— Айтинг-чи, сиз хотинингизни алдаб турасизми?

— Бўлмасам-чи! Хотинимни алдамасам кимни алдайман.

☺☺☹

Тили қоп-қорайиб кетган бемор врачга мурожаат қилибди:

— Ҳа, нима бўлди сизга?

— Э, янги ётқизилган асфальтга бир шиша арағим тўкилиб кетди...

☺☺☹

Бир хоним дугонасига:

— Озишим учун доктор отда югуришни буюрди.

— Хўш натижалар қалай?

— Ёмон эмас. От анча озиб қолди.

☺☺☹

— Мен сизга ҳайронман,—дебди врач доимий мижозига. — Ҳар куни кечаси соат иккигача ресторанма-ресторан юрсангиз, сизга яна қанақа уйқу дори керак?

— Уйқу дори менга эмас, хотинимга керак.

☺☺☹

Врач бемордан сўрабди:

— Сизнинг вазнингиз қанча?

— Ҳозир 110 килограмм, энг юқориси 121 килограмм бўлган.

— Энг пасти-чи?

— Уч килою уч юз грамм.


АКБАР тайёрлади.






Рассом Нозимхўжа АБДУСАЛОМХЎЖАЕВ ижодидан намуналар


















TUN
4605c



O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist

ERKIN QAYTAROV

Guliston

Indeks: yakka obunachilar uchun — 820
tashkilotlar uchun — 806
Bahosi : kelishilgan narxda.